



ИШОНЧ

36

1992 йил
7-13 сентябрь
(75)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

ҚАСАБА УЮШМАЛАРИДА

БОШ МАСАЛА-ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов август ойининг охирида Сирдарё вилоятида бўлди. У Боёвут, Оқолтин ва Сайхунобод районларига бориб, саноат корхоналари, жамоа, давлат, фермер хўжаликларини кўрди. Боёвут районидаги У. Юсупов, Пушкин номи давлат хўжаликларига бўлганида бу ерлардаги Гулистон тикувчилик фабрикаси филиалларини, пойфзал фабрикаси филиалини кўздан кечирди. Район марказида қурилаётган ижтимоий, социал-маданий объектлар билан танишди.

Б. А. Алламуродов Оқолтин районида Италия билан ҳамкорликда қурилган «Карьера» кўшма корхонасига борди. Район марказида мустақиллик шарафига қуриб битказилган масжид ва чойхонани кўздан кечирди. Консерва цехида бўлди. Пахта тозалаш заводи қошидаги тикувчилик цехи билан кизикди. Сайхунобод районидаги «Чевар» акционерлик жамиятида, пахта тозалаш заводида «Гулистон» жамоа хўжалигида бўлди. Жойларда бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатқашларнинг ижтимоий ҳимоялаш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишди. Унга Сирдарё вилояти қасаба уюшмалари кенгашининг раиси А. Мухаммедов ҳамроҳ бўлди.

Ф. НОРМАТОВ.
Сирдарё вилояти қасаба уюшмалари кенгаши ходими.

ЙИГИЛИШ ЧИМЁНДА УТДИ

Ўзбекистон саноати кимё тармоқлари ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг яқинда бўлиб ўтган учинчи йиғилишида «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республика кимё тармоқлари мажмуаси меҳнатқашларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қасаба уюшмаларининг мавқеи ва ўрни тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Йиғилиш арафасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигига тўғна сифатида 100 ўринли оромгоҳ ишга туширилди. Биринчи дам олувчиларнинг барчасига қасаба уюшмаси ҳисобидан бепул йўлланмалар берилди.

Худди ана шу Чимён дам олиш оромгоҳида уюштирилган бу кўчма йиғилиш анча ишчанлик ва кўтаринкилик руҳида ўтди.

Қасаба уюшмалари Марказий Кўмитаси раиси Н. Т. Қосимовнинг маърузаси матни иштирокчиларга ҳар сафаргидек ўзбек ва рус тилларида тарқатилганлиги учун йиғилиш ана шу маъруза матнининг муҳокамасидан бошланди ва натижада кўпгина ўртоқлар ўз фикр ва мулоҳазаларини айтиш имкониятига эга бўлишди.

Сўзга чиққан қасаба уюшмалари ишсизлик шароитида энг аввало ҳар бир ишчи ва хизматчига уларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини тушунтириши, корхоналар раҳбариятларидан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни иш билан таъминлаш учун иш жойининг умумий ҳисобидан 7 фонизгача миқдорида маҳсуе иш жойлари ташкил этишга эришишлари лозимлиги, жамоа шартномаларида бўшатиладиган ходимлар учун ҳам иш билан таъминлаш, ҳам моддий ёрдам беришда кўшимча қафолатларни кўзда тутишлари лозимлиги ва бошқа масалалар ҳақида гапирилди. Йиғилиш қўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилди.

«ИШОНЧ» МУХБИРИ.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

Биз 1993 йилда ҳам ахли юрт тақдирини, манфаати йўлида сидқидил хизмат қиламиз. Фақат, Сиз йиллик обуна нархи 208 сўм 80 тийин (Индекс — 64560) бўлган «Ишонч» газетасига ўз вақтида обуна бўлишни унутмасангиз бас.

Корхона ва муассасалар обунасига ҳам ташаббускор бўласиз деган умиддамиз. Унинг йиллик нархи 312 сўмдир. (Индекс — 64561)

«Ишонч» тахририяти.

БАЙРАМ РУҲИ КЕЗАР ЎЛКАМНИ



ТОШКЕНТ,
1992 йил,
31 АВГУСТ—
1 СЕНТЯБРЬ



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллигига бағишлаб ўтказилган тантаналар халқимиз қалбида бир умрга сақланиб қолади. Бепойён ўлкамизнинг барча шаҳар ва районларида, маҳалла ва корхоналарида эрта тонгдан бошланган байрам шодиёналари узлуқсиз давом этди. Бу байрам халқимизнинг жипслиги ва иноқлигини, келажакка бўлган умид ва ишончини яққол намойиш этди. Мухбирларимиз юборган қатра репортажлар ҳам буни тўла исботлаб турибди.

ТОШКЕНТ

...Мустақиллик майдонининг тўрт томонидан қарнайларнинг залворли зағи эшитилди. Байрам тантаналари бошланганлигидан хабардор этиб, қарнай садолари янгради. Орзқиб қутилган хаяжонли дамлар мустақил дийр тарихи зарварақларига абадий муҳрланиб қолажак. Бунга барчанинг имони қомил.

Уша қуни байрамнинг энг қайноқ нуқтаси Тошкентнинг мана шу бош майдони бўлди. Ранго-ранг байроқлар ва гулларга бурканган гўзал майдон бугун гўё бутун республикани ўз кучоғига олгандек. Барча вилоятлардан, қўшни давлатлардан келган меҳмонлар бу ерда савлат тўкиб ўтиришибди. Уларни ва бутун республика меҳнат аҳлини

Президентимиз Ислом Каримов қутлуғ айём билан самимий муборакбод этди. Сўнг майдон узра «Мустақиллик фанриясен» янгради. Унинг оҳангларида халқимиз дилидаги орзу-тилақлар сингиб кетгандек туюларди.

Йиғилганлар кўз ўнгиди бу бахтли кунларга ета олмаган авлод-аждодаларимиз намоен бўлади. Уларнинг руҳи тирик, албатта. Боболар бугунги тантана билан халқимизни муборакбод этгани Буюк ипак йўллари орқали келишибди. Байрам баҳона, авлодлар дийдор кўришишди...

Кенг сахнада товусдек товланиб раққосалар хиром этди. Барча вилоятларнинг санъаткорлари, қўшни Қозоғистон ва узок Белорусиянинг сезимли хонандалари байрамга атаб тайёрлаган ўз репертуарларини намойиш этдилар.

Спортчиларнинг чиқишлари репертуар мазмунини яна ҳам бойитди. Қуйгақуй, қўшққа-қўшиқ уланаверади. Майдон узра маржондек сочилаётган мушак ёғдулари теварак-атрофни яна ҳам мунаввар этади.

31 август ва 1 сентябрь кунлари Тошкентнинг барча боғлари ва хиёбаналари мана шундай гўзал тус олди. Мустақиллик кунига бағишланган тантаналарга ҳамма талпиниб борди ва бундан диллар яйради.

ТЕЛЬМАН номи маданият ва истироҳат боғи байрам кунлари Тошкент шаҳар деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси ихтиёрида бўлди. Тармоқ корхоналари ишчилари ўз оила аъзолари билан бу ерда байрамни хушқачқаклик билан ўтказдилар.

Очик эстрада сахнасида ўнга яқин корхона бадий хаваскорлик жамоалари байрамга атаб тайёрланган репертуарларини намойиш этдилар. Улар маҳоратида республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Хайри Изомов, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши маданият марказининг музика раҳбари Нодир Шокиров,

(Давоми 2-бетда)



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IX сессиясида «Йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини қабул қилинди. Бу қонун 1992 йил 1 июндан бошлаб амалга киритилди.

Сўнги йилларда республикамизда автомобиль транспортининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Биргина Тошкентда 252 мингдан ортиқроқ автомашина бор, шундан 110 мингдан ортиқроғи шахсийдир. Бироқ автомобилдан фойдаланиш кўламини ошиши билан афсуски, унинг салбий оқибатлари ҳам кўпаймоқда. Йўллардаги тартиб ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун жавобгарлик бирмунча кучайтирилди.

ЯНГИ қонунга биноан йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун жарималар миқдори оширилди. Кейин йўл ҳаракати қондаларининг бузилиши устидан етарлича назорат ўрнатиш мақсадида мавжуд бўлганидек ҳайдовчи гувоҳномасига илова қилинадиган огоҳлантириш талони қайтадан жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1985 йил 13 декабрдаги қонуни билан тасдиқланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодексга ҳам бир қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

Бу кодексга қуйидаги: «130—1 модда — транспорт воситалари учун кўзгусимон, шунингдек, туси ўзгартirilган (қорайтирилган) ностандарт ойналар ишлаб чиқариш; 130—2 модда — кўзгусимон, шунингдек, туси ўзгартirilган қорайтирилган ностандарт ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланиш; 130—3 модда — транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурilmаларидан фойдаланиш қондаларини бузиш; 132—1 модда — транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўл изини белгиланмаган жойдан кесиб ўтиши; 135—1 модда — транспорт воситалари ҳайдовчиларининг жабранувчига енгилган жароҳати ёхуд катта моддий зарар етказилишига олиб келадиган тарзда йўл ҳаракати қондаларини бузиши, ва 275—1 модда — транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўздан кечириш асослари ҳамда тартиби тўғрисида»ги моддалар билан тўлдирилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодексининг «130, 131, 131—1, 132, 133, 135, 136, 138, 140, 141, 142, 144 ва 150» моддалари янги тахрирда баён этилди. Жумладан, унинг «130» моддасига биноан ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг мототелмлардан фойдаланиш қондаларига ривож этмасликлари оқибатида огоҳлантирилади, ёки 5 сўм миқдорда жарима солинади.

Давлат техника кўригидан ўтмаган ёки белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган, термоз системасида ёки руль бошқарувида, ёхуд уловчи механизмида носозлиги бўлган, шунингдек, ташқарига чиқарилаётган инфослантйувчи моддаларининг таркиби, шовқин даражаси белгиланган нормадан ортиқча бўлган ёхуд тегишли рухсатномасиз, қайта жиҳозланган транспорт воситаларини бошқарган ҳайдовчига 50 сўм миқдорда жарима солинади.

Фойдаланиш белгиланган тартибда ман этилган транспорт воситаларини, шунингдек, номер белгилари ўзбошимчалик билан ечиб-олинган, ёхуд ясама ёки ўзга усулларда ўзгартirilган транспорт воситалари бошқарилганда 300 сўмдан 600 сўмгача жарима солинади ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этилади.

Транспорт воситалари ҳайдовчилари-

нинг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши, светофорнинг ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишораларига бўйсунмаслиги, пиёдалар йўлкасида ҳаракат қилиши, устулик берувчи, тақиқловчи ва кўрсатма берувчи йўл белгиларига, йўлнинг ҳаракат қисми чизикларига, ҳаракатда ўтказиб юборишни кўрсатувчи белгиларга ривож этмаслиги, одам ташиш, транспорт воситаларини қувиб ўтиш, жамоат транспорт тўхтайдиган бекатлар ёки пиёдалар ўтадиган жойлардан ўтиш, кечкурун ёки кўриш чекланган шароитларда ёритиш асбобларидан фойдаланиш қондаларини бузилса огоҳлантирилади ёки 30 сўмдан 50 сўмгача жарима солинади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлларни кесиб ўтиш қондаларини бузганликлари учун 100 сўмдан 200 сўмгача жарима тўлайдилар ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача маҳрум этиладилар. Агар мазкур ҳуқуқбузарликлар бир йил мобайнида такрор содир этилса 200 сўмдан 300 сўмгача жарима солинади ёки бир йилдан икки йилгача транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

Бу янги қонунга биноан ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки унинг талони, ишончнома, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги ёки транспорт

воситасига тааллуқли ўзга ҳужжатлар ёнида бўлмаган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқаришлари 20 сўм миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Умуман транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан транспорт воситаларининг бошқарилиши, шунингдек, транспортларни бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга транспорт воситалари бошқарилишининг топширилиши 100 сўмдан 300 сўмгача жарима солинишига олиб келади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришга уларга 500 сўмдан 1000 сўмгача жарима солинади.

Ушбу қонунга кўра пиёдаларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, уларнинг йўлнинг ҳаракат қисмини белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши, шунингдек, мопед ва велосипед ҳайдовчиларининг, аравақашлар ва йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, устулик берувчи, тақиқловчи ёки кўрсатма берувчи йўл

ҳолати деганда факатгина уларнинг спиртли ичимликларни ичишлари натижасидагина бўлган мастлик тушунилади.

Янги қонунга биноан ҳайдовчининг спиртли ичимликлар ичиш натижасида бўлган мастликдан ташқари яна наркотик моддалар таъсиридан ёки ўзгача таъсирдан ёки ўзгача тарзда маст бўлганлар ҳам маст ҳолат деб тушунилади.

Шуларга кўра ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини спиртли ичимликдан, наркотик модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда бошқарган тақдирда — 1000 сўмдан 2000 сўмгача жарима солиниши ёки бир йилдан уч йилгача муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга эса 2000 сўм миқдорда жарима солинади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, спиртли ичимликдан, наркотик модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст бўлган шахсга транспорт воситасини бошқаришни топширганлар ҳам — 2000 сўм миқдорда жарима тўлайдилар.

Ҳайдовчининг спиртли ичимликлардан, наркотик моддалар таъсиридан ёки ўзгача таъсирдан маст бўлган ҳолда транспорт воситасини бошқариши, агар бу ҳол шундай тартиббузарлик учун маъмурий тартибда жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида такроран яна содир этилса — уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилиб ёки 2 йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишига юборилиб ёхуд 3000 сўмгача жарима солинади ва 3 йилдан 5 йилгача транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

Ушбу моддада кўзда тутилган жиноятлар учун илгари судланган шахслар томонидан худди шу ҳагги-ҳаракатлар содир этилса, 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум этилиб, 5 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қонун билан Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодексига ҳам бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Бу қабул қилинган янги қонун келажакда яхши самаралар беради, деган умиддамиз.

А. АЛИМУХАМЕДОВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг қонун лойиҳаларини тақдим этиш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими мудири.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

белгилари талабларига ривож этилмаса огоҳлантирилади ёки 10 сўм миқдорда жарима солинади.

Транспорт воситаларини сақлаш тартибини бузганлик учун ҳам жавобгарлик кучайтирилди.

Қорхона, муассаса ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларини улардан фойдаланиш шартларига кўра махсус белгиланмаган жойларда ишдан ташқари вақтда сақлаш ҳайдовчиларга 50 сўм миқдорда, транспорт воситаларини сақлаш ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларга 50 сўмдан 100 сўмгача жарима солинишига сабаб бўлади.

Ушбу тартиббузарлик бир йил мобайнида такрор содир этилган тақдирда ҳайдовчиларга 50 сўмдан 100 сўмгача ва транспорт воситаларини сақлаш ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган мансабдор шахслар 100 сўмдан 200 сўмгача жарима тўлайдилар.

Ушбу қонунга биноан транспорт воситаларини маст ҳолда бошқарганлиги учун ҳам жавобгарлик кучайтирилди.

Умуман маст кишининг транспорт воситаларини ҳайдаши фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига шикаст етказиши ёки анчагина моддий зиён келтириш хавфини туғдиради.

Кўп ҳолларда фуқаролар мастлик

БАЙРАМ РУҲИ КЕЗАР ЎЛҚАМНИ

(Боши 1-бетда)

республика давлат телерадио компаниясининг «Мақом» дастаси чолғучиси Темир Махмудов ва бошқалар баҳо бердилар.

Кун давомида боғдаги атракционлар болаларга бепул хизмат кўрсатди, мультфильмлар бепул кўйиб берилди. «Туркистон» ва «Ўзбекистон» акционерлик биржалари бу борада хомийлик қилдилар.

ЖИЗЗАХ

Шаҳарнинг марказий майдони байрамона безатилган. Карнай-сурнай садолари борлиқни тутиб кетди... Байрам тантаналари Хамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеъри билан бошланади. Шундан сўнг, Юнус Ражабий номлидаги мусикали драма театри артистлари «Жиззах кўзғолони» томошасини намойиш этишди. Спортчилар турли спорт ўйинларини кўрсатишди. Бадний ҳаваскорлар жамоалари ўз маҳоратларини кўз-кўз қилдилар.

Мустақиллик байрами кунини Галлаоролда Сарбозор матлубот жамоияти ходимлари қурган шарқона услубдаги «Мовароуннаҳр» чойхонаси ва Галлаорол тайёрлов идораси маблаг ҳисобига бунёд этилган ёпик Бозор фойдаланишига топширилди.

НАМАНГАН

Байрам тантаналари Наманган шаҳрида ҳам авжига чиқди. Куннинг би-

ринчи ярмида Машраб ва Бобур номи маданият ва истироҳат боғларида халқ сайллари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси халқ артистлари Камолиддин Раҳимов, Турсунбой Мамедова, Уринбой Нуралев ва бошқа санъаткорларнинг дилрабо куйи ва кўшиқлари йиғилганларга завқушавқ бағишлади. Байрам тантаналарида Ўш ва Жалолободдан, Андижон ва Фарғона вилоятларидан келган мехмонлар интироқ этдилар.

УРҒАНЧ

Қадимий ва ҳамisha навқирон Урганч шаҳрида Мустақилликнинг бир йиллигига бағишланган байрам тантанали нишонланди. Бу ерда халқ сайллари бўлиб ўтди. Спортчи ва санъатчи ёшларнинг чиқишлари, таниқли санъаткорларнинг дилрабо кўшиқлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Байрам арафасида Хонқа районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги худудида 100 ўринли санаторий-профилакторий ишга туширилди. Вилоят қасаба

Ўзбекистонимизнинг Мустақиллик байрами ФАРҒОНА ва ЗАРАФШОН водийларида СУРҲОН ва ҚАШҚА воҳаларида, СИР ва АМУ ёқаларида ҳам катта тантана билан нишонланди. Байрамни зўр шоду ҳуррамлик билан нишонлаган ватандошларимиз эндиликда мустақиллик йилини муваффақиятли яқунлаш юзасидан зарур чора ва тадбирларни кўрмоқдалар.

уюшмалари кенгашининг ташаббуси билан 1200 кишига 200 минг сўмлик ёрдам берилди. Шу кунини 1500 кишига Мустақиллик юбилейи нишонлари топширилди.

АНДИЖОН

Байрам шодиёналари кунларида андижонлик қасаба уюшмаси фаолларининг ҳам қўли қўлига тегади. Чунки, вилоят қасаба уюшмаси кенгашининг ташаббуси билан Мустақиллик байрамига катта тайёргарлик қўрилган эди. Ана шундай тадбирлардан бири Афғонистон байналмилчалари ҳамда Чернобиль фожеси иштирокчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув иштирокчиларининг ҳар бирига вилоят қасаба уюшмалари кенгаши томонидан 500 сўмдан байрамлик ҳадияси берилди. Бўтақора кишлоғидаги ноғиронлар уйи тарбияланувчиларига ҳам 50 минг сўм ёрдам хайриyesi топширилди.

Шунингдек, байрам кунлари тармоқлараро бадий ҳаваскорлик дасталарининг кўрик-тинлови ўтказилди. Андижон районидаги маорифчилар халқ дастаси кўрик-танлови гойиб деб топилди ва 5000 сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

БИТИМ

ИЖРОСИ

БИЛАН

ЯҚИНДА Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасида Вазирлар Маҳкамаси билан Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 1992 йилга мўлжалланган Битимнинг ўтган етти ой мобайнидаги ижроси яқунлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Бош Вазирининг ўринбосари, қўшма комиссиянинг ҳамраиси Б. С. Ҳамидов раислигида ўтган йиғилишда Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари О. Қ. Адаманов бошчилигидаги комиссия аъзолари қатнашдилар. Унда Битим бандларининг анчагина қисми бажарилганлиги алоҳида қониқли билан таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида қабул қилинган «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун Битим ижросида айниқса қўл келаяпти.

Йиғилишда шунингдек, «Меҳнат таътиллари тўғрисида»ги, «Коллектив ва яқка тартибдаги меҳнат низоларини ҳал қилиш тартиби ҳақида»ги, «Аҳолини пенсия билан таъминлаш ҳусусида»ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва яна бир қанча масалалар ҳақидаги Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш соҳасида ўзаро олиб борилаётган ишларнинг аҳоли ҳам қараб чиқилди. Битимнинг тўла ижросига оид бир қатор масалалар ҳам кўрилди.

«ИШОНЧ» мухбири.

ИНСОНГА ҒАМХЎРЛИК — ЮРТГА ҒАМХЎРЛИК

???

Биз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «1992 йил 1 сентябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги шу йил 25 августда имзоланган Фармони ўқиб Мустақил Республикамиз ҳукуматининг барча қатори биз нафақа олувчиларга кўрсатётган ғамхўрлигидан ғоят миннатдор бўлдик.

Айтинг-чи, Фармон бўйича нафақалар қай тарзда оширилади, социал таъминот ходимлари ҳозир қандай чоратадбирларни кўрмоқдалар?

Нозим ЭШОНОВ,
Тошкент районидаги «Тошкент» жамоа хўжалиги уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси,
Улуғ Ватан уруши ногирони.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги арафасида Президентимиз Ислоҳ Каримов «1992 йил 1 сентябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Бу Фармон аҳолининг кам таъминланган табақалари устида республикамиз ҳукумати астойдил қайғураётганлигининг яна бир ифодаси бўлди.

Шу йилнинг 27 июнида Президентимиз имзолаган Фармонга мувофиқ меҳнат нафақаларининг энг кам миқдори 1000 сўмга, уруш ногиронлари ва қатнашчилари нафақаси миқдори эса 1300 сўмга етказилган эди. 1992 йил 25 августдаги Президент Фармонига мувофиқ 1992 йил 1 сентябрдан бошлаб фуқаролар иш стажининг оз-кўплигига ва хизматларига қараб меҳнат нафақаларининг табақалаштирилган миқдорлари жорий этиладиган, бунда мазкур Фармонда белгиланган энг оз миқдор асос қилиб олинган бўлди. Демак, нафақа тайинлашда бир текисчилик барҳам топди.

Мазкур Фармонга биноан 1 сентябрдан бошлаб республика ҳудудида нафақанинг энг кам миқдори 1250 сўм этиб белгиланди. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари учун эса нафақанинг энг кам миқдори ойига 1300 сўмдан 1600 сўмгача этиб тайинланди. Учинчи гуруҳ уруш ногиронларининг энг кам нафақа миқдори эса 1250 сўмни ташкил этади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасидаги энг кам нафақа миқдори Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги ўртача даражадан юқоридир. Мисол учун Туркменистон ва Қирғизистонда бу кўрсаткич 700, 900 сўмни ташкил этапти.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, 1 сентябрдан бошлаб бизда нафақаларнинг табақалаштирилган миқдори жорий этилди. Утган даврдаги иш ҳақларини қайта кўриб чиқиш, уларни нафақа тайинланган ва қайта ҳисобланган йилларга боғлиқ равишда тузатувчи коэффициентларга ошириш бошланди. Бунда иш ҳақи миқдори нафақанинг қайси йили тайинланганлигига (қайта ҳисобланганлигига) боғлиқ бўлади. Янгитдан ҳисобланган иш ҳақи миқдоридан янги нафақа миқдорлари ҳисоблаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши билан тузатувчи коэффициентларнинг миқдорлари қуйидагича тасдиқланган:

Йиллар	Тузатувчи коэффициент
1970 йилгача, шу йилни ҳам қўшган ҳолда	22,8
1971 йил	22,3
1972 йил	21,6
1973 йил	20,9
1974 йил	19,6
1975 йил	19,1
1976 йил	18,6
1977 йил	18,3
1978 йил	17,5
1979 йил	17,1
1980 йил	16,9
1981 йил	16,5
1982 йил	16,4
1983 йил	16,1
1984 йил	16,1
1985 йил	15,9
1986 йил	15,8
1987 йил	15,4
1988 йил	14,4
1989 йил	13,5
1990 йил	12,1
1991 йил	8
1992 йил 1 июлгача	2,6

Бу коэффициентлар тахминий равишда танланмайди, балки улар ўртача иш ҳақининг йилма-йил даражасини ўзида тўлалгича акс эттиради.

Коэффициентларнинг моҳиятини тўлиқ тасаввур этиш учун бир неча мисоллар келтирамиз. Айтайлик, 1992 йилнинг иккинчи ярмидаги ўртача иш ҳақи 1975 йилдаги ўртача иш ҳақидан 19,1 мартаба кўп ёки 1988 йилдагига нисбатан 14,4 баробар ортқидир. Гап амалдаги қонунчиликни ўзгартирмасдан, унинг тартиб қондала-

Шу савол билан Ўзбекистон Республикаси Социал таъминот вазирлиги Санобар Ахроловна ХЎЖАЕВАГА мурожаат қилдик.

рени сақлаган ҳолда, ўтган йилларнинг иш ҳақларини «замонга мослаштириш» ва бинобарин нафақа миқдорларини ҳам замонавийлаштириш ҳақида боради.

Нафақа олувчилар тузатувчи коэффициентларни қўллаш тартибига биноан икки гуруҳга бўлинадилар:

Биринчи гуруҳга— 1992 йилнинг 1 январигача меҳнат нафақасига чиққан ва шу давргача нафақаларини юқорироқ иш ҳақидан қайта ҳисобланган нафақа олувчилар кирадилар.

1992 йилда меҳнат нафақасига чиққан ва юқорироқ иш ҳақидан қайта ҳисобланган нафақа олувчилар эса иккинчи гуруҳни ташкил қиладилар.

1992 йилнинг 1 январигача меҳнат нафақасига чиққан ва қайта ҳисобланган нафақа олувчиларнинг ўртача иш ҳақлари, нафақага чиққан ёки охириги қайта ҳисобланган йилларига мос келган тузатувчи коэффициентларга кўпайтирилади. Натijaда амалдаги қондалар асосида нафақа ҳисобланиши лозим бўлган «замонавийлаштирилган» иш ҳақи ҳосил бўлади.

Нафақа миқдорини қайта ҳисоблаш тартибини мисоллар асосида таҳлил қилиб чиқамиз.

Масалан, ўр. Иброҳимовга 1985 йилда 190 сўм иш ҳақи ҳисобидан кексалик нафақаси белгиланган. Унинг меҳнат стажы 30 йилни ташкил қилади. У ойига 1000 сўм миқдорида нафақа олаётган эди. Тузатувчи коэффициент билан ҳисоблаб чиқилган иш ҳақи 3021 сўмни ташкил қилади (190×15,9—1985 йилнинг коэффициенти). 30 йиллик меҳнат стажы ҳисобига унинг меҳнат нафақаси иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида ҳисобланади. Натijaда Иброҳимовнинг нафақаси 1992 йилнинг 1 сентябридан эътиборан 1812 сўм 60 тийинни ташкил қилади.

Бошқа бир мисол. Қодирова 1983 йилда кексалик нафақасига чиққан. Унинг ўртача ойлиги 205 сўм 90 тийин, меҳнат стажы эса 31 йил эди.

Ўзгартирилган иш ҳақи 3314 сўм 99 тийин бўлади. (205 сўм 90 тийин×16,1—1983 йилнинг тузатувчи коэффициенти). Қодирова талаб қилинганидан 11 йил ортқижамга эга бўлганлигини ҳисобга олиб унга нафақа янги ҳисобланган иш ҳақининг 66 фоизи миқдорида тайинланади, яъни 1992 йилнинг 1 сентябридан бошлаб унга 2187 сўм 89 тийин нафақа тайинланади.

Ўр. Ганиева 1987 йилда ўртача 250 сўм маош ҳисобидан кексалик нафақасига чиқди, дейлик. Унинг иш стажы 47 йил, деб фараз этайлик. Иш ҳақига тузатиш киритсак 3850 сўм (250 сўм×15,4) бўлади. Шу асосда 1 сентябрдан бошлаб ойига 2287 сўм 50 тийин нафақа олади. (3850 сўмнинг 75 фоизи миқдорида).

Улуғ Ватан Урушининг II гуруҳ ногирони ўр. Назаров кексалик нафақасига 1979 йилдан 45 йиллик иш стажы ва 163 сўм 15 тийинлик иш ҳақи ҳисобидан чиққан эди. Энди унинг иш ҳақига тузатиш киритсак 2789 сўм 87 тийинни (163,15×17,1) ташкил этади. Бу миқдордаги иш ҳақининг 75 фоизини нафақа сифатида, тўлаш талаб этилади. Демак, унинг ойлик нафақа пули 2092 сўм 40 тийин бўлади. Бундан ташқари у Ватан урушининг II гуруҳ ногирони сифатида яна 2400 сўм нафақа пули олиш ҳуқуқига эга. Шу тариқа 1 сентябрдан бошлаб ойига 4492 сўм 40 тийиндан нафақа пули олаверади.

Яна бир мисолни келтирмоқчиман. Ўр. Файзиевга II гуруҳ ногирони бўлганлиги учун 1991 йилда 508 сўмлик иш ҳақи ҳисобидан нафақа тайинланган эди. 8,0 коэффициенти бўйича унинг иш ҳақига тузатиш киритсак, натija куйидагича бўлади: 508 сўм×8=4064 сўм. Шундан нафақанинг янги миқдорини белгилаймиз, у 2235 сўм 20 тийинни ташкил этади (4064 сўмининг×55 фоизи).

Боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақа олувчи оила нафақасини 1992 йил 1 сентябрдан қайта ҳисоблаш пайтида иш ҳақи нафақа олган кишига нафақа тайинланган йил коэффициентига қараб тузатилади.

Мисол учун ўр. Аҳмедовга 1980 йилда ногиронлик нафақаси тайинланган, дейлик. 1987 йилда у вафот этади ва икки боласига боқувчисини йўқотганлик учун нафақа тайинланади. Бунда 1 сентябрдан иш ҳақини 1980 йилдаги 16,9 коэффициентига қараб тузатиш лозим бўлади.

1992 йил 1 сентябрдан бошлаб Республикада амал қилаётган қонунчиликка мувофиқ нафақа тайинлаш учун мурожаат этган кишининг ўртача ойлик иш ҳақи кейинги 15 йиллик иш вақтининг исталган 60 ойидан олинади. Бунда иш стажыдаги узилишларга эътибор берилмайди.

Масалан, ўр. Ҳасановга нафақа 1992 йил мартда кексалиги бўйича 41 йиллик иш стажы ҳисобга олинган ҳолда берилди, дейлик. Нафақа пулини ҳисоблаш учун қуйидаги иш ҳақлари асос қилиб олинган:

- 1986 йилнинг 6 ойи учун — 840 сўм
- 1987 йилнинг 9 ойи учун — 1350 сўм
- 1988 йилнинг 10 ойи учун — 1480 сўм
- 1989 йилнинг 11 ойи учун — 2599 сўм
- 1990 йилнинг 11 ойи учун — 2840 сўм
- 1991 йилнинг 11 ойи учун — 2710 сўм
- 1992 йилнинг I—II ойлари учун — 950 сўм

Ўр. Ҳасановнинг иш ҳақини тузатиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- 1. 1986 йилнинг 6 ойидаги иш ҳақи суммаси 13272 сўмни ташкил этади (840 сўмни 1986 йилдаги тузатиш коэффициенти 15,8'га кўпайтирмамиз)
 - 2. 1988 йилнинг 9 ойидаги иш ҳақи 20790 сўмни ташкил этади (1350 сўм×15,4)
 - 3. 1988 йилнинг 10 ойидаги иш ҳақи 21312 сўмни ташкил этади (1480 сўм×14,4)...
- Ҳисоб-китоб шу тартибда давом этаверса пирлардада

умумий сумма 148974,5 сўмни ташкил этади. Шунда ўртача иш ҳақи 2482 сўм 91 тийин бўлади.

Нафақа олувчи 41 йиллик иш стажига эга эканлигини ҳисобга олиб, нафақа ўртача иш ҳақининг 71 фоизи миқдорида белгиланади. Яъни, 1 сентябрдан ўр. Ҳасановнинг ойлик нафақа пули 1762 сўм 86 тийинни ташкил этади. Шундай йўл билан барча хилдаги нафақалар қайта ҳисоб-китоб қилиб чиқилади.

1992 йил 1 июлдан бошлаб олинган иш ҳақи нафақа пулини чиқаришда «замонавийлаштирилмайди», балки амалда олинган суммадан ҳисоб-китоб қилинади.

Энди катта маош олмаган ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар нафақаси миқдори устида кенгроқ тўхталиб ўтмоқчимиз. Шу кунгача уларга иш стажининг кўп ёки озлигидан қатъий назар нафақанинг энг кам миқдори белгиланарди. Республикамиз Президентининг Фармонидан сўнг бу ноҳақлик барҳам топди.

1992 йил 1 сентябрдан бу тоифадаги фуқаролар нафақасининг энг кам миқдори эркаклар 25 йилдан, аёллар 20 йилдан ортқижамга ҳар бир тўла йил учун олган иш ҳақларининг 1 фоизи миқдорида оширилади.

Ер ўстида, зарарли ва оғир шароитларда меҳнат қилган ишчилар ва инженер-техник ходимлар шу алпозда 10 йилдан ортқижамга эркаклар ва 7,5 йилдан ортқижамга аёллар нафақаси ҳар бир йил учун иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида кўпайтирилади. Бироқ, барча ҳолларда кўпайтирилган сумма 20 фоиздан ошмаслиги керак.

Бундай ҳолларда, иш ҳақининг 1 фоизи камида 12 сўм 50 тийин бўлганда энг оз нафақа миқдори стаж учун 12 сўм 50 тийинга оширилади, стаж учун энг кам нафақа миқдори иш ҳақи тўғрисидаги ҳужжатлар бўлмаса ҳам шу сумма доирасида оширилади.

Айтайлик, ўр. Иўлдошев 1967 йилдан бери нафақа олади. Унинг иш стажы 45 йил. Иш ҳақи тузатишдан сўнг маошининг ўртача суммаси 1595 сўмни ташкил этади. Бу иш ҳақидан ҳисобланган нафақа энг кам миқдорга етмайди, бинобарин 1 сентябрдан нафақанинг асосий миқдори 1250 сўм бўлди. Бироқ, 25 йилдан ошган иш стажининг ҳар бир йили учун нафақа олувчи иш ҳақининг 1 фоизини, яъни 15 сўм 95 тийинни қўшиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. 1250 сўм устига қўшимча 319 сўм олади. (15 сўм 95 т×20), шунда жами нафақа 1569 сўм бўлади.

Ўр. Дадаббеванинг ҳужжатларида 27 йиллик иш фаолияти акс эттирилган. Қўшимча равишда у болалари туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар нусхасини ҳам тақдим этган. Бу ҳужжатлар унинг стажини 6 йилга ошириш ҳуқуқини беради, шу йиллар давомида у болаларни парваришлаган. Шунда унинг иш стажы 33 йилни ташкил этади. Лекин иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ҳужжатлар орасида йўқ. Демак, у 1 сентябрдан 1412 сўм 50 тийин миқдорида нафақа олади. (1250 сўм—12 сўм 50 тийин×13).

Биз юқорида айтганимиздек, амалдаги қонунчиликнинг қоида ва нормалари каби социал нафақа миқдорлари ҳам ўзгарисиз қолаверади. Бу гап ишламайдиган нафақа олувчилар қарамогига меҳнатга яроқсиз оила аъзолари ёки I—II гуруҳ ногиронлари бўлган кишиларга ҳам дахлдордир. Улар энг кам миқдордаги меҳнат нафақасининг 100 ёки 50 фоизи миқдорида олаверади.

I гуруҳ ногирони ўр. Юнусованинг меҳнат нафақаси олишга ҳуқуқи йўқ эди, деб фараз қилайлик. 1 сентябрдан унга социал нафақанинг 100 фоизи миқдорида 1000 сўм нафақа тўлаб келинган. 1 сентябрдан энг кам меҳнат нафақаси кўпайиб 1250 сўмга етганлиги муносабати билан социал нафақалар миқдори ҳам ошиб 1250 сўмга етди.

60 ёшга тўлган ўр. Кудашева илгари ҳеч қачонда ишламаган бўлишига қарамай, 500 сўм миқдорида социал нафақа олиб келган (энг кам меҳнат нафақасининг 50 фоизи). 1992 йил 1 сентябрдан унинг нафақа пули 625 сўмга етди. Бу янги белгиланган энг кам социал нафақа миқдорининг 50 фоизи деган гапдир.

I гуруҳ ногирони ўр. Андреевнинг қарамогига меҳнатга яроқсиз 57 ёшли рафиқаси бор. У нафақадан ташқари I гуруҳ ногиронини парваришлаб келаётгани ва ишламайдиган пенсионер сифатида 500 сўм, қарамогига меҳнатга яроқсиз оила аъзоси борлиги учун эса 500 сўм қўшимча ҳам олиб келган. Илгари бу қўшимчалар энг кам нафақанинг 50 фоизига мувофиқ келарди. Энди эса қўшимчалар 625 сўмга етказилди.

Янги Фармоннинг эълон қилиниши билан социал таъминот органлари ходимларининг юмушлари яна ҳам кўпайди. Фармон асосида қарийб 2,5 миллион киши олаётган нафақа пулларини қайта ҳисоблаб чиқиш лозим бўлади.

Мен социал таъминот ходимларига мурожаат этмоқчиман. Нафақаларни қайта ҳисоблаш ишларини намунали ташкил этишда сизларнинг ёрдамигизга муҳтожмиз. Бу ишга корхона ва хўжаликларнинг ҳисобчи-бухгалтерларини жалб этиш чораларини кўрсаналар, деган умиддамиз.

Нафақа олувчилар, сизларга мурожаат этмоқчиман. Нафақаларни қайта ҳисоблаб чиқиш ва янги миқдорини белгилаш анча мураккаб ва биров чўзиладиган иш бўлганлиги учун ортқижамга ҳис-ҳаяжонларга берилманг. Оширилган миқдордаги нафақаларингизни албатта оласизлар.



ПАХТАНИ ЕНҒИНДАН САҚЛАНГ

Пахта халқимизнинг бебаҳо бойлиги, унинг ҳар миқсоли хонадонимизга нон, туз, озуқа, кийим-бош бўлиб қиради. Шу боисдан ота-боболаримиз пахтани қимматли хомашё сифатида азалдан асраб-авайлаганлар, ҳақон бозорида унинг кадр-қимматини оширганлар.

Ҳозир республикамизнинг бепоеён пахта далаларида «оқ олтин» ҳосили пишиб етилмоқда. Ҳадемай, ёппасига йиғим-терим ишлари бошланиб кетади. Деҳқонларнинг пешона тери, қалб қўри билан етштирилаётган ҳосилни нес-нобуд қилмай жамлаб олиш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир. Айни пайтда жамланган ҳосилни эҳтиётлаб сақлаш ҳам катта масъулият талаб этади. Шу боисдан пахта йиғим-терими бораётган ҳосил сақланаётган ва қайта ишланаётган жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминловчи барча эҳтиёт чораларини қўриб қўйиш лозим бўлади.

Олдинги мавсумларда баъзан ёнғинга қарши эҳтиёт чоралари қўрилмаганлиги оқибатида айрим жойларда кўнгилисиз ҳоллар келиб чиқиб қимматбаҳо хомашёнинг бир қисми яроқсиз ҳолга келиб қолди. Бундан ҳамма тегишлича ҳулоса чиқариб олиши керак. Агар бир тонна пахта ёнғин оқибатида нобуд бўлса, демак 4320 метр газлама, 120 килограмм ёғ, 240 килограмм кунжара, 15 килограмм хўжалик совуни халққа етказиб берилмай қолади. Шундай экан, ҳар бир чанок пахтани кўз қорачиғидек асрашимиз, уни ёнғиндан ҳимоя қилишимиз керак.

Бунинг учун барча пахта териш машиналари, пахта ташийдиган ва хирмон атрофида ишлайётган техника воситалари учқун қайтаргичлар билан жиҳозланган бўлиши, хирмонлар эса ўт ўчиргичлар, сув тўлдирилган катта идишлар, иш қуроли билан таъминланган бўлиши зарур.

Пахта йиғим-теримида қатнашаётган ҳар бири хўшёрликни ошириши лозим. Пахта териш машиналарининг ҳайдовчилари, хирмонга 30 метрга яқин масофада ишлайётган техника воситаларини бошқараётганлар учун иш пайтида чекиш қатъиян ман этилади. Етоқхоналарда истиқомат қилаётган кишилар ҳам ниҳоятда эҳтиёткор бўлишлари керак. Етоқхона деразалари тунука билан қопланиши лозим. Ичкарига похол тўшм, қўлбола печ ва бошқа иситиш мосламаларидан фойдаланиш, қуввати 150 ваттдан ортиқ бўлган электр лампочкаларнинг қўлланилиши ман этилади.

Айниқса хирмон атрофларида эҳтиёт чораларини қўйиш зарур. Учқун ўчиргич билан жиҳозланган автомашина ва тракторлар пахта ғарамига беш метрга, учқун ўчиргич билан жиҳозланмаганлари эса 30 метргача яқинлашмаслиги керак. Бевоҳота йўл устида, шунингдек, тупроқ ва шағал тўкилган кўчалар юзиде пахта қуришига йўл қўйилмасин.

Пахта йиғим-терими ниҳоятда масъулиятли давр. Ҳар бир киши бу мавсумда ёнғинга қарши эҳтиёткорлик чораларини қўриши зарур. Эҳтиётсизлик билан ташлаб юборилган сигарета қолдиги ёки гугурт чўли ҳам катта фалокатларга сабаб бўлиши мумкин. Ёнғинни ўчиршдан унинг олдини олиш унғай. Шундай экан, пахта йиғим-терим мавсуми бетафот ўтиши учун барча тайёргарлик чораларини қўриб қўйиш, одамларни хўшёрликка ва ўзаро талабчан бўлишга даъват этайлик.

Ўзбекистон Республикаси ёнғинга қарши кураш кўнгилли жамияти.

Бу воқеа ҳар бир йигит-кизи учун сабоқ бўлиши лозим. Мустақил ҳаётга кадам қўяётган ёшлар эҳтиёт бўлишлари, халқимизнинг «етти ўлчаб бир кес» мақолига амал қилиб кадам қўйишлари лозим. Шундагина улар инсонга бир марта бериладиган умри кўнгилидагидек ўтказиб, кексайганларида армон қилмайдиган бўладилар.

Мухаррам бугун ҳам ухломлади. Аслида, ухламоқчи ҳам эмасди. У ўрнидан туриб ўтирди. Атрофга кулоқ тутди: жим-жит. Сукунат кўнгилга ваҳима солади. Усти очилиб қолган уқасининг кўрпасини тортиб қўйди, секин ўрнидан кўзгалди. Ой нурида унинг сал тўлинкараган, аммо тик, дуркин қомаги, узун сочлари кўзга ташланиб турарди. Шу пайт отасининг йўтали тутиб қолди. Кароват ғижирлади. Отаси ёнбошига ағдарилди. Қиз жойида тошдай қотди. Отаси бир маромда «майин» хуррагини давом эттира бошлагандан кейингина супадан тушди-да, молхона томон ўтди. Паҳса девор ёриғидан латтага ўроғлик ошпичоқни олиб, қўлтиги тағига яширди-да, кирнинг пастидидаги кўшнисининг уйи томон юрди. Ит бир хуриди-ю кизни таниб яна жим бўлди ва думини ликиллатди.

Уй ёнидаги ой нури тушиб турган супада аёл, 3-4 ёшлардаги бола, йигит ётарди. Аёлнинг ёнида бешик ҳам бор. Мухаррам супанинг четига—йигитнинг бош томонига ўтирди. Аёлга, болага, бешикка бир-бир нигоҳ солди. Сўнг йигитга тикилиб қолди. Унинг усти очик эди. Эсаётган салқин шабададан эти жуңжикди шекилли, кўрпани ахтариб, кўзини очди. Шунда у бошида чўнкайиб ўтирган кимсани кўриб, сесканиб кетди.

— Ким? — Йигит, кизни даров таниди. — Мухаррам!

— Ҳа, менман. Сизни кўргим келиб қолди...

— Эсингни еб қўйибсан. Уйларингга бор. — У хотини томонга хавотирланиб қараб қўйди.

— Кетгим келмаяпти.

— Йигит ўрнидан турди. Естиги ёнидаги чопонини елкасига ташлаб, кизнинг биллагидан тутди:

— Юр, олиб бориб қўяман. Қиз сўзсиз унга эргашди. Уйнинг орқасига ўтиб сойлик томон юрдилар. Қиз бундан бир ҳафта олдин худди шу ерда ораларида бўлиб ўтган суҳбатни эслади:

— Мухаррам, кел энди учрашмайлик.

— Нега, нима учун?

— Ахир, менинг хотиним, болаларим бор. Энди мени тинч қўй.

— Буни-чи, буни нима қиламан? — У қаппайиб турган қорини кўрсатди.

— Олдирамиз. Шаҳарда таниш дўхтирим бор. Бир кун бирор нарсани баҳона қилиб уйдан чиқсанг, борамизу келамиз.

— Ахир, қандай «Севаман» дегандингиз-ку? Энди мен сизсиз... Йўк...

— Хали бахтинг очилади, Мухаррам. Мени унутсан ҳам. Агар унутолмасанг, учрашиб турамыз.

— Нима-а?

— Сен ёшсан. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Хали бу қуларни эслаб юрасан...

Кизнинг қўллари калтирай бошлади. Йигитга суйкалди. «Ҳе, бечора, сенгайм қийин». Йигит уни ўпмоқчи бўлиб энгашди. Шу пайт киз қаддини ростлаб, зарб билан унинг кўкрагига тиг урди. Йигит бир ингради-ю типирчилаб қолди, сўнг ерга йиқилди. Қиз даҳшатли холдан кўрқиб кетиб бақириб юборди.

Бу икки онла ахил эди. Бахтиёрнинг онаси Мухаррамга уй юмушларида йўл-йўриқ кўрсатиб турар, Эдил чўпон ҳам зарурат туғилиб қолса, кўшнисидан ёрдамни аямасди.

Бахтиёр армиядан қайтгач, онасининг хоҳишига кўра уйланди. Йигит шофёрлик курсини тугатиб, совхозда ишлаш бошлади. Бирин-кетин икки фарзанд кўришди. У ишдан ярим кечада ҳориб-чарчаб кириб келар, хотини тайёрлаган овқатни истар-истамас ерди-да, ўрнига чўзиларди.

Шундай кунларнинг бирида унинг юрагига Мухаррам «кириб келди». Юзлари кил-қизил, дуркун қомаги бу кўшни кизни кўрганида, у негадир кўзларини узолмай қолар, кейин ичида ўзини қойирди: «Эсинг жойидами, ўзи нималарни ўйлаётсан?» Бирок қалби ақлга бўйсунмас, ҳар

МУҲАББАТ ЎЙИНЧОҚ ЭМАС

Эртасига бутун қишлоқ нохуш хабар билан уйғонди. «Эдил чўпоннинг кизи ҳамсояси Бахтиёрни чавоқлаб қўйибди!» Бу воқеани ҳар ким ўзича «шарх»ларди.

— Бахтиёр шўхрок йигит эди, кизига бирор нарсани деган бўлса, Эдил чўпон жаҳл устида...

— Йўғ-е, қўй оғзидан чўп олманган одам...

— Ҳамма айб кизда...

— Аёл зоти эркакка тиг урса-я?

— Тўғри қилибди, бировнинг бўй етган кизига кўз олайтирган бўлса, баттар бўлсин.

Аслида эса...

...Қиз ва йигит кўшни турнардди. Бахтиёрнинг отаси ёшлигида вафот этган. Она ёлғиз ўғли Бахтиёрни не азоб билан улғайтди. Ўғли ўксимасин деб бошқа эр қилишни эп кўрмади. Ўғлини оталилардан зиёд қилиб ўстирди. Истаганини муҳайё қилди.

Мухаррам— Эдил чўпоннинг тўнғичи. Бир йил олдин онаси казо қилганидан буён укаларига бош-қош. Отаси кун бўйи яйловда. Рўзғор ташвиши, оиланинг катта-кичик юмуши Мухаррамнинг зиммасида. Уйда укаларига қарайдиган одам бўлмаганлиги учун тўққизинчи синфни тугатиб, мактабга бормади қўйди.

гал дуч келганида бу гўзал қиздан нигоҳини ололмас эди. Шунда Бахтиёр «Сал эртарок уйланганман-да» деб ўйлар, негадир, хотини кўзига хунук кўриниб кетар, кўнглининг аллақериде ғалати хис туяр, ҳаётида нимадир етишмаётгандек бўларди.

Бир кун қок туш пайти машина кузовидаги ғаллани совхоз омборига ағдарди-да, кун қайтгунча бироз хордик чиқариш мақсадида уйига бурибди. Келса, эшик қулф. Ҳайрон бўлиб турганида ёнида Мухаррам пайдо бўлди:

— Момом билан янгам тўйга кетишди. Мана қалит.

— Қанака тўй? Кимникига?

— Қўшни қишлоққа. Чалоп ичсангиз, қилиб бераман.

— Майли...

Бирпасдан сўнг Мухаррам кўлидаги катта товоқда айрон кўтариб кирди. Бахтиёр унинг дуркун қомагига тикилиб, юраги ортиқиб кетди. Қиз узатган товоққа кўшиб унинг қўлидан ҳам ушлади. Қиз чўчиб тушди. Унинг хурқаклиги Бахтиёрни жўштирди. Товоқдаги чалоп тўкилди...

Бироздан сўнг йигит Мухаррамни ваъдаларга кўмиб ташлади: «Сени севаман», «Сенсиз яшай олмаيمان», «Сен менинг бахтимсан». Қиз эса йиғларди, холос.

Кейинчалик улар хуфиёна учрашиб туришганида, бунинг оқибатини, бир кун келиб маломат тоши остида қолишларини ўйлашмади. Фақат Мухаррамнинг ҳомилдор бўлиб қолиши «ширин» орзуларни чил-парчин қилиб юборди. Уйламай қўйган нопок қадами туфайли йигит навқирон ёшида кўз юмди. Ун гулидан бир гули очилмаган, ҳаёт лаззатларини тотишга улгурмаган навқирон кизнинг боши маломатларга қолди, келинчак эса бева, беғуноҳ икки норасида етим бўлиб қолди.

Бизнингча, бундай мудҳиш воқеанинг юз беришида онанинг нотўғри тарбияси ҳам сабаб бўлган. Бахтиёр ёшлигидан нимани истаса шунга эришиб ўрганди, эрка бўлиб ўсди. Бора-бора бу эркалик худбинликка айланди. Фақат ўзини ўйлаш, бошқалардан устунликка эришишга интилиш унинг характерига сингиб борди. Она ўғлининг раъийини қайтармасди.

Қиз-чи? Биз ҳамма айбни фақат йигитга ағдариб, Мухаррамни «оппоқ» демокчи эмасмиз. У ҳам шошмаслиги, хис-туйғуларга эрк бермаслиги лозим эди. Тўғри, ўн саккиз ёш энг нозик, ҳиссиётга бой, ҳаётдан кўра ҳаёл устун бўлган давр. Бирок ўн саккиз ёшида не-не жасорат кўрсатган кизларни биламиз-ку! Мухаррам ўзи кўнгил қўяётган йигитнинг хотини, болалари борлигини ҳам ўйлаши керакмасмиди?

Бу хунук воқеанинг содир бўлишига эр-хотин ўртасида муҳаббатнинг йўқлиги, севиб-севилмасдан турмуш қурилгани ҳам маълум даражада сабаб бўлган. Агар Бахтиёр турмуш ўртоғини астойдил севганида, хурмат қилганида унга ҳиёнат қилишга журъат этмаган бўлурди. Энг ачинарлиси, у Мухаррамни ҳам севмади. Унга ўткинчи муносабатда бўлди.

Газетхон эътироз билдириб, севмасдан оила қурганлар ҳам бинойидек яшаб кетаётганликлари, аксинча айрим севишганлар «характерлари тўғри келмай» ажралишаётганликларини рўқач қилиши мумкин. Бу далилни тан олмай иложимиз йўқ. Маълумотларга кўра кейинги йилларда ёш эр-хотинлар ўртасида ажралишлар кўпайган. Қўпни кўрган кишиларнинг айтишича, бу ёшларнинг оилага, ҳаётга, фарзандлар тақдирини енгилтақлик билан қарашлари, уларнинг оталик ёки оналик масъулиятини хис этмасликларини оқибатида рўй берапти. Ҳаётга енгил қараш, инсон тақдирини билан «ўйнашиш» қандай оғир фожиа билан тугашини ўзингиз кўрдингиз.

Абдуҷалол ТАЙПАТОВ,

ДЕҲҚОНЛАРГА ҚУЛАЙЛИК



Шу йил кўкламда бўлган Наврўз шодиёналари вақтида Тошкент вилояти Бўқа районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигига собик қасаба уюшмаси фаолларидан бири Турғун Ражабовнинг номи берилган эди. Ана шу тантанادا Тошкент вилояти дехқончилик-саноати мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси кўмитаси қасаба уюшма маблағи ҳисобидан бу хўжаликда битта замонавий ҳаммом қуриб беришга бош-қош бўлиши, қурилиши республикамиз Мустақиллиги кунига тугаллаши айтилган эди. 32 ўринли ҳаммом муддатда бунёд бўлди. Яқинда унинг очилиш маросими ўтказилди. Бўқа райони дехқончилик-саноати мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси кўмитаси

ранси Тўрабек Бўлисов, вилоят қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Камолжон Шодиметов бу саломатлик масканини бунёд этишда қатнашган барча фаолларга миннатдорчилик билдирдилар. Ҳаммом қурилиши тезкорлик билан амалга оширилди. «Саломатлик» кичик корхонасининг 23 кишидан иборат ғайратли жамоасига қолхозчилар, шунингдек вилоят «Қолхозстрой» қасаба уюшмаси кўмитаси ҳам яқиндан кўмаклашди. Бунда Райимқул Тўлаганов бошлиқ қурувчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Ҳаммомнинг очилишида Республика дехқончилик-саноати мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси Т. Қўшаев, вилоят қасаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари Ю. Хайдулов, уруш ва меҳнат фахрийлари вилоят уюшмасининг раиси А. Алимов ўртоқлар иштирок этишди.

Тожибой АЛИМОВ.

HANTAREX
SOVIET UNION

ЁЗГИ САВДО

HANTAREX SUнинг Тошкент шаҳридаги қўшма корхонаси Италияда ишлаб чиқарилган юксак сифатли компьютерларни тавсия этади.

HANTAREX ELECTRONIC SYSTEMS (Италия)

CPU INTEL 80286/16
Coprocessor 80287
RAM 1 MB
HDD 40 MB
FDD 5,25" 1,2 MB
FDD 3,5" 1,44 MB
14" VGA Col Monitor
Keyboard
MS DOS
Printer STAR
136 col

CPU INTEL 80286/16
Coprocessor 80287
RAM 1 MB
HDD 40 MB
FDD 5,25" 1,2 MB
FDD 3,5" 1,44 MB
14" VGA Col Monitor
Keyboard
MS DOS
Printer BULL 4/23
136 col

Баҳоси -- 1480 \$

Баҳоси -- 1550 \$

Ҳар бир комплектга совға тариқасида А4 форматли PL 80 принтер-плоттер қўшиб берилади.
Кафолати -- 1 йил.

HANTAREX SUнинг Тошкентдаги ваколатхонаси Амир-Темур кўчаси,
24-уйда жойлашган.

Тел: 34-96-11. Факс 34-64-92.



**ОМАД СИЗГА
ЁР
БЎЛСИН!**

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 ФОИЗЛИ ички ютуқли заёмининг биринчи тиражида 250000 сўмлик бош ютуқ эгаларини ва барча ютуқли заём эгаларини табриклаймиз!

Навбатдаги тираж 30 сентябрда **УРГАНЧ** шаҳрида ўтказилади.

Заём облигацияларини сотиб олишга шўшинг. Бош ютуқ сизга насиб этиши мумкин.

Заём облигациялари Жамғарма банки, Агросаноат банки, Ўзсаноат-қурилиш банки муассасаларида эркин сотилмоқда ва сотиб олинмоқда.

Сиз 12 ФОИЗЛИ заём сотиб олиш билан Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссангизни қўшасиз.

Ўзбекистон Жамғарма банки
Республика бошқармаси

СИЗНИНГ МУАММОЛАРИНГИЗНИ

БИЗ

ҲАЛ ҚИЛАМИЗ



«NURSE» — «НЯНЯ» — «ЭНАГА» акционерлик компанияси **ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**, яъни болаларни парваришlash ва унга қараб туришда ёрдам беради.

Биз сизнинг буюртмангиз асосида уйингизга энага юборамиз. Сизлар ишга, ўқишга, дўконга, театрга ёки меҳмонга кетганингизда у болаларингизга қараб туради.

ЭНАГАНИ

- бир неча соатга, бир кунга, бир ҳафтага ёки шартнома тузиб, узокроқ муддатга,
- бола касалликдан тузалгунча,
- фақат очик ҳавода сайр қилдириш учун таклиф этиш мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам энага нима ишлар қилиши кераклиги тўғрисида алоҳида келишиб олинади.

- Шунингдек компания болаларни яхши кўрадиган ва улар билан ишлашни хоҳлайдиган барча кишиларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади.




«NURSE» — «НЯНЯ» — «ЭНАГА» **АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ ЭНАГАНИНГ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ БУЛИШИГА КАФОЛАТ БЕРАДИ:**

Уларнинг ҳар бири махсус касб тайёргарлигидан ўтган. Кўрсатиладиган хизматларнинг батафсил рўйхатини қуйидаги телефонлар орқали билишингиз мумкин: 33-83-77, 32-53-43, 32-58-13.

Буюртма бериш учун манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, «Правда» газета кўчаси, 41 уй. («Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг кўп қаватли бино вестибюлида буюртмалар учун махсус кўти бор.)

«NURSE» — «НЯНЯ» — «ЭНАГА» акционерлик компанияси.



Қуш одамнинг сўзларига эътибор бермай, маймунларнинг хатосини тушунтириш учун дарахтдан тушиб улар ёнига келди. Маймунлар уни ўраб олиб бошини узиб ташладилар.

Сенинг ишинг ҳам маймунлар ишига ўхшайди. Хайрихоҳларнинг насиҳатига қулоқ осмайсан. Аммо бир кун келадик, сен бу ҳийлакорлигинг ва енгилтаклигингдан пушаймон бўласан, ўшанда юз-кўзингни тирнаб қанчалик йиғламагин ва бошингни уриб, кўкрагингни қанчалик пора-пора қилмагин, барибир фойда бермайди. Оталар айтибдурларки, сўнги пушаймоннинг фойдаси йўқдир — у, ҳийлагар одамга буюрмаган тилла каби сенга ҳам фойда бермайди.

Димна сўради: — Ҳийлагарга нима бўпти?
Ҳикоят. Калила деди: — Икки ўртоқ бор эди. Бири содда ва иккинчиси ҳийлагар эди. Улар бир кун савдогарчилик қилиш учун бир ёққа кетишаркан, йўлдан бир халта тилла топдилар, соддадил ҳийлагарга деди: — Омадимиз ўнгидан келди, энди буларни бўлиб олиб орқага қайта қолайлик. — Ҳийлагар деди: — Тақсим қилиб ўтираемизми? Ҳозир кимга қанча керак бўлса олиб, қолганини эҳтиёт қилиб бекитиб кетайлик. Зарур бўлганда яна келиб керагини олармиз.

Соддадил унинг сўзига кўниб «хўп», деди. Олтиндан керагича олиб, қолганини бир дарахт остига кўмдилар. Шаҳарга келиб, ҳар бири ўз уйига кетди. Узини ақлли деб ҳисоблаган ҳийлагар эртаси кун бориб, кўмилган тилланинг ҳаммасини олиб кетди. Соддадил ўз кўлидагини харжлаб бўлгач, ҳийлагар қошига келиб деди: — Юр, олтиндан пича олиб келайлик, жуда муҳтож бўлиб қолдим. — Ҳийлагар у билан бирга тилла кўмилган жойга келди, лекин ҳеч нарса топмадилар. Ҳийлагар соддадилнинг ёқасидан ушлаб: — Тиллаларни сен олгансан, чунки бўлак ҳеч кимнинг бундан хабари йўқ эди, — деди. Соддадил бечора, олмадим, деб ҳар қанча онт ичса ҳам фойдаси бўлмади. Ҳийлагар уни қозига олиб бориб, бўлган гапни айтиб берди ва тиллаларни даъво қилди. Қози сўради: — Гувоҳ ва далил борми?

Ҳийлагар деди: — Остига тилла кўмилган дарахт гувоҳлик бериб, тиллани бу ноинсоф олиб кетган, деди.

Қози бу сўзни эшитиб, ҳайрон бўлди. Анча гапу сўздан кейин эртасига гувоҳлик берган дарахт ёнига боришга қарор қилинди. Ҳийлагар севиниб уйига келди ва отасига деди: — Бу тилла ҳангомасини ўз фойдамизга ҳал этиш сизга боғлиқ бўлиб қолди. Сизга ишониб дарахт гувоҳлик беради, дедим. Энди менинг гапимга кўнсангиз, олиб келган тиллаларим ўзимизга қолади ва яна шунча тиллага эга бўламиз.

Отаси сўради: — Мен нима қилишим керак?
 Ҳийлагар деди: — У дарахтнинг ичи ковак бўлиб, унга ўн одам бемалол яширинса бўлади. Кечаси бориб у ерга жойлашиб олишингиз керак, эртага қози дарахт тагига келганда, дарахт номидан гувоҳлик берсангиз бўлди.

Отаси деди: — Эй ўғил, макр-ҳийла кўпинча ҳийлагарнинг ўзига зарар етказади. Тагин сенинг макринг ҳам қурбақа макрига ўхшаб қолмасин.

Уғли сўради: — Қурбақа қандай макр ишлатибди?
Ҳикоят. Отаси деди: — Бир қурбақа илонга қўшни эди. Қурбақа ҳар болалаганида илон унинг болаларини еб кетарди. Қурбақанинг бир қисқичбақа дўсти бор эди. Бир кун қурбақа унинг ёнига бориб, деди: — Эй биродар, менга бир чора кўрсат. Кейинги пайтларда бир зўр ва шафқатсиз душман пайдо бўлиб қолди, у билан олишиб энга олмайман. Узим бу ерга ўрганиб қолганим учун ҳеч қаёққа кета олмайман. Манзилим гўзал, об-ҳавоси мусаффо, ери зумраддек ям-яшил.

Қисқичбақа деди: — Ҳам ема. Узингдан кучли душманни ёлғиз ҳийла билангина енгиб бўлади. Фалон жойда латча деган бир ҳайвон яшайди. Сен бир қанча балиқ тутиб, уларни ўша ҳайвоннинг уясидан

то илоннинг инигача тўкиб бор. У ҳайвон ҳид билиб уясидан чиқади, балиқларни еб-еб илоннинг уясига-ча келади ва сен илондан халос бўласан. — Қурбақа бу ҳийла билан илонни ўлдиртирди. Бир неча кундан сўнг ҳалиги ҳайвон овқат излаб бояги балиқ еган йўлидан келди, лекин балиқни топмай, қурбақани ва унинг болаларини еб кетди.

Бу масални мен, ҳар ким бировга чоқ қазиса ўзи йиқилиб тушишини кўрсатиш учун сўзлаб бердим.

Ҳийлагар ўғил деди: — Ота, қўйинг, гапни қисқа қилинг. Бу иш андак меҳнат талаб қилса ҳамки, фойдаси кўп.

Чол бечорани мол-дунё ҳирси ва оталик муҳаббати йўлдан урди, у ўғлининг гапига кирди.

Эртаси кун қози шаҳардан чиқиб дарахт остига келди. Томоша қилиш учун анчагина бошқа одамлар ҳам унга эргашиб келган эди. Қози юзини дарахтга ўгириб, тиллаларнинг нима бўлганини сўради.



Дарахтдан, тиллаларни соддадил олиб кетган, деган садо чиқди. Таажжубланган қози дарахт атрофида айланиб юриб, унга диққат билан разм солди. Дарахтнинг катта коваги борлигини кўрди-да, масалани тушунди. Уз-ўзига: «Хиёнатга марҳамат йўқ», — деб дарахт атрофига шох қалатди ва ўт кўйдирди. Чол бир соатча чидаб жим турди, лекин ҳалок бўлишини билиб ёлвора бошлади. Қозининг буйруғи билан уни дарахт ичидан чиқардилар. Қози савол-жавоб қилиб ҳақиқатни билди, соддадилнинг тўғрилиги, ҳийлагарнинг макри маълум бўлди. Чол чеккан азобларига ва номусига чидай олмай шу ернинг ўзидаёқ жон берди. Ҳийлагарни жазолаб, адабини бердилар ва отасининг ўлигини елкасига қўйиб шаҳарга жунатдилар. Соддадил эса тўғрилиги тўғрайли ҳамма тиллаларни олиб ўз уйига равона бўлди.

Ҳийланинг натижаси ёмон, хиёнатнинг оқибати хатарли эканлигини билгин деб бу масални келтирдим... Эй Димна, сен шахсиятпарастлик, қаллобликда шу даражага етибсанки, тил уни тасвириладан ожиз, ақл уни тасаввур қилишга кучсиздир. Сенинг макру ҳийлаларингнинг дўстларга қандай «фойда» етказишини ўз кўзинг билан кўриб турибсан, лекин сенга унинг зиёни тегмайди деб ўйлайсанми?.. Сен илон каби икки тиллисан, лекин илондан баттарсан, сенинг ҳар иккала тилингдан заҳар томади. Ариқ ва сой суви денгизга қуйилгунга қадар ширин бўлади, оиланинг иши ёмон одам аралашгунча, қардошлик ва дўстлик муҳаббати разил одамлар орага тушгунча мустаҳкам бўлади. Мен ҳамиша сенга яқин бўлишдан кўр-қам эдим. Донишмандлар дебдурларки, фиқсу фасод, разил ва олчоқ одамлар, гарчи сенга қариндош бўлсалар ҳам улардан қочмоқ лозим. Разил ва хоин одамларнинг дўстлиги илонни тарбият қилишдек бир нарса. Илон эгаси унга қанчалик яхши парвариш этса ҳам пайт келганда бир кун ўз эгасининг ёруғ кунини қоронғи кечага айлантиради, ўз вафосизли-

гини намоен қилади. Фезл-атворлари унча яхши бўлмаса-да, аслида ақлли бўлган одамлар билан дўстлаш, уларнинг ақл ва камолидан, билим ва тажрибасидан баҳра оол. Уларнинг ёмон қилиқларини ўрганма. Лекин аҳмоқ ва жоҳил одамлардан қочмоқ зарур. Чунки улардан ёмонликдан бўлак нарса чиқмайди. Улар билан дўстлашган пушаймон бўлади. Сен ҳам шулар тоифасидансан. Шундан ҳеч бир яхшилик чиқмайди, чунки сени иззат-ҳурмат қилган, сенинг мартабангни кўтарган шохнинг бошига не кулфатлар солмадинг!

Билиб қўй: шохнинг бошига шунча кулфатлар солган кимса бошқаларга ундан ҳам кўп зарар етказиши мумкин. Шундай бўлгандан кейин ҳеч кимнинг сенга ишончи қолмайди. Дўстга вафо қилмаган, хайрихоҳликни билмаган одам билан дўст бўлиш ҳеч қандай яхши натижа бермайди. Тушунмаганга, қадрига етмаганга яхшилик қилишдан, қулоқ солмаганга насиҳат қилишдан ва оғзи бўшга сир айтишдан катта хато бўлиши мумкин эмас. Минг насиҳат қилганим билан сенинг табиатинг ўзгармайди. Сендек касофат билан дўст бўлиш фалокат келтиради. Саҳар шабадаси ҳам дўстликка ўхшайди: у агар гулзордан эсса, хушбўй бўлади, нажосат бор ердан эсса, бадбўй бўлади. Билиб турибман, бу сўзларим сенга оғир ботяпти, чунки тўғри сўз аччиқ бўлади, нодон ва беақл одамларга асло ёқмайди.

Калиланинг сўзи шу ерга етганда Шатраба ўз қонига беланиб шер чангалида жон берган эди. Шер буни кўриб, жаҳлидан тушди, сўнгра фикрга чўмиб, ўз-ўзига деди: — Бечора Шатраба, нақадар ақлли, комил, фаросатли ва шижоатли эдинг. Билмадим, тўғри иш қилдимми ё хато қилдимми? Сенинг ҳақингдаги гаплар ростми ёки қасддан уйдирилган фитнами? Ҳар ҳолда бу мен учун қаттиқ мусибат бўлди. Эндиги афсус ва пушаймондан фойда йўқ.

Димна узоқдан шернинг ташвиш тортаётганини кўриб, пушаймон бўлаётганини дарҳол англади ва Калиланинг сўзини бўлиб шернинг ёнига келди: — Эй шоҳи жаҳон, сизни бунча ўйлатиб қўйган нарса нима? Бу кундан ҳам муборак бўладими? Ахир шох ёлиб келиб, нусрат топдилар, душман мағлуб бўлиб қонга беланди.

Шер деди: — Шатрабани ўйлаганим сари унинг дўстлиги, самимийлиги, одоби, хулқ-атвори, билими, ишбилармонлиги, жасорат ва шижоатлиги ёдимга тушиб қалбим ғам ва аламга тўлмоқда. У давлатининг пуштипаноҳи ва лашкаримнинг такягоҳи эди, у рақибларим кўзига ботадиган тикан, дўстларим юзига ярашадиган бир хол эди...

Димна деди: — Бу тузнамак душман учун ҳасрат чекманг. Қўлга киритган зафардан шодланмоқ лозим, уни сизга юборилган катта бир бахт деб билмоқ керак... Хавфли одамларнинг гуноҳини кеңирмоқ ақлли одамларга ярашмас. Шохнинг душманлари учун энг ишончли зиндон — қабр ва энг таъсирли қамчи — қиличдир.

Ақлли шохлар кўпинча ўзларига ёқмаса ҳам маҳоратли одамларни ёнларига қақриб олиб, уларни мансабдор қиладилар, аксинча, ёқимли одамларни тадбирсизлиги учун ўзларидан узоклаштирадилар, жазолайдилар. Аччиқ бўлса ҳам одам фойдали дорини ичади. Иш қилишга, қилич тутишга ярайдиган қўлнинг бармоғини агар илон қақса, бутуви бадан саломатлиги учун уни қирқиб ташлайдилар.

Бу сўзларни эшитгач, шер бир оз таскин топди. Лекин орадан бирмунча вақт ўтгач, ҳўкизининг иши юзасидан текшириш ўтказдилар. Димнанинг қабиҳ ишлари, ҳўкизга туҳмат қилгани ошкор бўлди. Ҳўкиз қасоси учун уни шер қатл қилди.

«Нима эксанг, шуни ўрасан». Ҳийла ва хиёнат дарахтининг меваси мусибат ва фалокат бўлади...

Бир ифлоснинг туҳмати билан икки дўстнинг бири-бирдан айрилгани ҳақидаги ривоят шундан иборатдир.

(Боши ўтган сонларда).

«ЭНАГА» ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ

УТГАН июль ойида «Энага» акционерлик компанияси иш бошлади. Ўзбекистон Болалар жамғармаси, Меҳр-мурувват ва саломатлик жамғармаси, Шарқий минтақа мамлакатлари билан ташқи иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси унинг муассислари бўлишди.

«ЭНАГА» — ҳозирча Ўзбекистонда болалар универсал сервис хизматини вужудга келтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ягона компания. Бу ерга болаларга тарбия бериш учун юқори малакали муаллим, бемор болаларни парваришlash учун эса тиббий малакага эга бўлган ҳамширалар таклиф қилинди.

Шунингдек, компанияда болаларни парваришlashга ўзини тўла бағишлагани ёки асосий ишдан бўш вақтида қўшимча даромад топишни истовчи турли миллат тиллари, мусиқа, рақслар, жисмоний тарбия ўқитувчилари, ҳамширалар тўғрисида маълумотлар тўпланган.

— Ҳозирги қийин шароитда бола-

ларининг турмуш шароитларини дурустроқ таъминлаш мақсадида ота ҳам, она ҳам кўпроқ ишлашга мажбур бўлишаётир, — дейди компания бош директори Сергей Барановский. — Кўпинча ота ҳам, она ҳам, айниқса улар тижорат ва тадбиркорлик ишлари билан машғул бўлишса, уйга кеч қайтишди, уларнинг фарзандлари эса қаровсиз қолишди. Болалар боғчаларининг эса вақти-соати чегараланган. Унда кўрсатилаётган хизмат ҳам аксарият ота-оналарни қаноатлантирмайпти. Албатта болаларимизга бозор иқтисодиёти шароитида чуқур билим, ўзгарувчи шароитга тез мослаша олиш қобилияти керак бўлади. Бундай хусусиятлар кичик ёшдан тажриба-

ли муаллим раҳбарлиги остида шакллантирилиши лозим, деб ўйлайман.

Истикболда компания ихтисослаштирилган муассасалар тармоғини бунёд этиш ниятида. Булар хусусий болалар боғчалари, аэропортларда, вокзалларда, олий ўқув юртлари ва кинотеатрларда очиладиган фирма хоналар, машҳур чет эл коллежлари иштирокидаги нуфузли ўқув юртлари бўлади. Компания мактаб ўқувчилари арзон моллар ишлаб чиқариши учун иш ўринлари ташкил қилишни ўз зиммасига олади. «Энага» Ўзбекистонга болалар кийим-кечаклари, пойабзал, ўйинчоқлар келтириб, уларни компаниянинг фирма дўконларида сотишни мўлжалляпти. Асосий фаолиятдан тушган даромад «Энага»нинг истиқболдаги лойиҳаларини амалга ошириш, яъни республикада «Диснейленд» бунёд этиш ҳамда болалар уйи ва ногиронлар уйидан иборат, замонавий ўскуналар билан жиҳозланган комплекс куриш учун хизмат қилади.

Компанияда ишлаш учун ходимлар танлов асосида олинади. Мураббиялар, ҳамширалар, энагаларга тўланадиган ҳақ миқдори уларнинг малака-

сига, қўлларидан нима иш келишига ва мижозларнинг улар ҳақидаги фикрларига қараб белгиланади. Уларнинг бир соатлик* иш ҳақи ўртача 15—20 сўмни ташкил этади.

Энг муҳими компания хизмат бозорини тўлдиришдан ташқари яна бир хайрли вазифани бажаради — у аҳолининг биринчилар қатори ишсиз қоладиган тоифасини иш билан таъминлайди. Бунда гап бюджетдаги тармоқларнинг малакасиз ходимлари ва мутахассислари ҳақида боряпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ, Тошкентда яшовчи ва ўз мутахассислиги билан боғлиқ турли хизматлар кўрсатиш ёки малака талаб қилмайдиган ишларни бажариш истагини билдирган шахслар тўғрисида маълумот тўплана бошланди. Тез орада компания ҳомийлигида ўқув маркази ташкил этилади. Бу ерда корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларига кўра, керакли мутахассислар тайёрланади ва қайта тайёргарликдан ўтказилади.

«Энага» кам таъминланган ва муҳтож оилалар учун имтиёзли хизмат кўрсатади.

Олимжон ХОЛИҚОВ.

Ойнан жаҳонга

СЕНТЯБРЬ

7 ДУШАНБА

УзТВ I

18.00 Янгилликлар. 18.10 «Филча ва мактуб», «Маҳмадона». Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ишбилармон кишилар». 19.50 М. Қориев. «Бир кеча достони». Теленовелла. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёкубов куйлайди. 22.00 «Севги сароблари». Бадий фильм.

УзТВ II

Уқув кўрсатувлари
10.30 Физика. Электромангнит индукцияси. 11.00 «Кукурегу». Телефильм. 11.30 Журғофия. Урта Осиё ва Қозғоғистон рельефининг асосий шакллари. «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Мабрифт фидойилари». 20.25 «Мабрифт фидойилари». 21.15 «Лаҳза». Хабарлар. 21.25 «Азизим, меҳрибоним онам...» Бадий фильм.

ОРБИТА IV

18.20 «НЭП. 18.45 «Ўт қўювчи». Телевизион фильм-спектакль премьераси. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилликлар. 20.25 «Спорт уик-энди». 20.40 «Ўт қўювчи». Телевизион фильм-спектакльнинг давоми. «Янги студия» таништилади. 21.10 «Бомонд». 21.25 «Федерико каталоги» кўрсатув кинематографияда шахсий роли ҳақида 21.45 «Бироқ». 22.00 «ТУ-галерея». 22.30 «Вазият» «Оқ қуш». 23.00 Янгилликлар. 23.25 «Қалбим». Телефильм.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 Болалар даврасида. 18.00 «Омад». 18.30 Хужжатли фильм. 19.00 Хабарлар. 19.20 Осиё тароналари.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

19.30 Душанба кунни детектив. «Бугуннинг аёли». Бадий фильм 20.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

21.02 Хабарлар. 21.20 «Эх, қўшниси тушмагурлар». 21.45 «Хонанда». 22.15 «Турникет» мусобақалари.

8 СЕШАНБА

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Футбол. Уингоҳлардан дараклар. 7.35 «Калдирғоч». Фильм-концерт. 8.15 «Севги сароблари». Бадий фильм. 18.00 Янгилликлар. 18.10 «Топчумба». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 18.55 «Спортлото». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Қонуни барчага баробар». 19.50 «Қабутарим». «Ўзбектелефильм» премьераси. 20.00 Эстрада концерти. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳуқумат тадбирлари. 21.30 «Унутилмас сатрлар». Хўжа Аҳмад Яссавий.

УзТВ II

Уқув кўрсатувлари
10.30 Информатика. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фани ҳақида умумий тушунчалар. 11.00 «Меҳр излаб». Телефильм. 11.30 Кимё. Электротиллар.

ТОШКЕНТ СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ

18.30 «Субҳидам». 19.30 «Қалбларга илқилик бағишловчи уй». 19.50 «Шарқ лирикаси». 20.15 Долзарб мавзуларда суҳбат. 20.35 Мусиқий дақиқалар. 21.05 «Бу оқшомда» кўрсатув саҳифаларида. 22.15 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

ОРБИТА IV

5.00 Янгилликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгилликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.05 «Ўт қўювчи». Телевизион фильм спектакли. 10.35 Футбол шарҳи. 11.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 11.20 «Будулайнинг қайтиши». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 1-серия. 14.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Ишбилармонлар хабарномаси». 14.40 «Ён дафтар». 14.45 И. С. Бах.

«Бранденбург» концерти. «Виртуоз Москва» камер оркестри ижро этади. 15.00 «Уолт Дисней таништиради...» 15.50 Япония телевиденисининг кўрсатувлари. «Роботлар мусобақаси». 17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Сочма олтин конлари» кўрсатувини таништиради (Беларусь). 17.50 Футбол шарҳи. 18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.00 «Мавзу». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилликлар. 20.20 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернациональ» канали таништиради. «Хемингуэй». Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия. 21.00 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатув. 22.20 «Қора қути». «Ядро куролнинг сири». 1-кўрсатув. 23.00 Янгилликлар.

ДУБЛЬ IV

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври. 7.50 Е. Смоленцова ижросида қадимий рус романслари ва қўшиқлари. 8.25 «Ўз-ўзинга режиссёр». 8.55 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяман!». 9.10 Кундузги сеанс. Нозик охулар улим». Бадий фильм. 10.40 «Дехқонларга тааллуқли масала». 11.00 Телебизжа. 11.30 Теннис бўйича АҚШнинг очик чемпионати. 14.35 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция). 15.05 Мульти-пульт. «Агар мен дадамнинг ўрнида бўлганимда». 15.15 «Рост» студияси. «Арт-зона». 15.45 Янгилликлар. 16.00 «Асли ҳолича».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 Халқ рақслари. 18.00 «Беҳаловат оила». 18.30 «Бир томчи сув учун». Хужжатли фильм. 19.00 Хабарлар. 19.20 «Қўшиқлар китоби». 20.05 «Фосфор халқаси». 21.00 Хабарлар. 21.20 «Соқинлик оламида». Хужжатли фильм. 21.45 «Коктейль». 22.30 Экранда Туркия киноси.

9 ЧОРШАНБА

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Ботир Зокиров». Фильм-концерт. 8.05 «Ўзбекистон спорти». Тэквондо бўйича жаҳон биринчилиги мусобақаси олдидан. 18.00 Янгилликлар. 18.10 «Соябон — менинг ҳамроҳим». «Зангори филча». Мультфильмлар. 18.30 «Дехқон хўжалиқларида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Адабиёт элчилари». 19.55 «Дирижёр хикоя қилади». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Истиқлол йўли». Видеофильм. 21.50 «Чақноқ юлдазлар». Киноконцерт.

УзТВ II

Уқув кўрсатувлари
10.30 Ботаника. Усимликларнинг табиятидаги аҳамияти. 11.00 «Шоирлар хибонаси». Телефильм. 11.35 «Қалдирғочлар баҳорда учиб келади». Бадий фильм.

ТОШКЕНТ СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...» Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.40 «Рақслар рақслар...» 20.30 «Ишбилармонлар». 21.10 «Нормандия-Неман» Бадий фильм.

ОРБИТА IV

5.00 Янгилликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгилликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.50 «Янги авлод талғайди». 10.40 А. Хачатурян. М. Лермонтовнинг «Маскарад» драматизациясида ёзилган музикдан сюита. 11.00 Янгилликлар. 11.20 «Будулайнинг қайтиши». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 2-серия. 14.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Телемикст». 15.10 «Ён дафтар». 15.15 «Уолт Дисней таништиради...» 16.05 Болалар ва ўсмирлар учун телевизион кўрсатувлар III халқаро фестивалида. Жанубий Сахалиндан кўрсатилади. 16.15 «Космик марафон». 17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 «ОКО» студияси таништиради 18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион

бадий фильм премьераси. 18.45 «Катта сайт». Телевидение оламида 60 дақиқа. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилликлар. 20.25 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернациональ» канали таништиради. «Хемингуэй». Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. 22.05 «Қора қути». «Ядро куролнинг сири». 2-кўрсатув. 22.45 Л. Власенко чалади (фортепиано). 23.00 Янгилликлар. 23.25 Япония телевиденисининг кўрсатувлари. «Япониянинг спорт ананалари». 0.15 «Париж — Москва — Пекин» автораллиси.

ДУБЛЬ IV

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.00 Хабарлар. 7.20 Эълонлар. 7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 «Асил ҳолича». 8.55 «Сиз яратган бог». 9.25 Россиянинг телевизион театри. С. Коковкин. «Енигма кел». Телеспектакль. 10.40 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 71-серия. 11.30 Теннис бўйича АҚШнинг очик чемпионати. 12.20 «Калит» кўрсатуви. 12.35 «Дехқонларга тааллуқли масала». 12.55 «Арт-бизнес». 14.30 «Кузирхоним». 15.00 «Вариацияли мавзу». Гитарачи Анатолий Болотов чалади. 15.30 Христианлар учун кўрсатув. 16.00 Янгилликлар. 16.15 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 Болалар даврасида. 18.00 «Поезд деразасидан кўринган манзара». 18.30 Турк олами. 19.00 Хабарлар. 19.20 «Айвон». 20.10 «Қайноналар». 21.00 Хабарлар. 21.20 Мусобақа.

10 ПАЙШАНБА

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Футбол. Уингоҳлардан дараклар. 7.35 «Танбур». «Ўзбекистон» премьераси. 8.05 «Пўлат ва Баҳор». Бадий фильм. 9.20 Камер куйларидан концерт. 18.00 Янгилликлар. 18.10 «Кичик дўстларимиз саргузашти». Мультфильм. 18.25 «Алифбо сабоқлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Эл тинчлиги йўлида». 19.55 «Тилга эътибор». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳуқумат тадбирлари. 21.30 «Ноҳия лирикаси». Шоира таваллудининг 200 йиллиги олдидан. 22.20 Футбол. Ўзбекистон биринчилиги. Олий лига. «Пахтакор» — «Навабахор» (Наманган). «Қибрай» ўйингоҳидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган).

УзТВ II

Уқув кўрсатувлари
10.30 Биология. Биология фанининг ривожланишига Беруний ва Ибн Синоларнинг қўшган ҳиссаси. 11.00 «Мусиқа дарси». Телефильм. 11.30 Ўзбек халқи тарихи.

ТОШКЕНТ СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ

18.30 «Табассум». 19.00 «Театр уршулувлари». 20.00 «Пулс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.20 «Пулс». Хабарлар. 21.30 «Тўртинчи доирадаги бир кеча». Бадий фильм.

ОРБИТА IV

5.00 Янгилликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгилликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.50 «Космик марафон». 10.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 11.00 Янгилликлар. 11.20 «Будулайнинг қайтиши». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 3-серия. 12.25 «Числосиз кўн». Телевизион бадий фильм. 12.55 «Кўршапалак». Телевизион бадий фильм. 1-серия. 14.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Телемикст». 15.10 «Ён дафтар». 15.15 «Уолт Дисней таништиради...» 16.05 Болалар ва ўсмирлар учун телевизион кўрсатувлар III халқаро фестивалида. Жанубий Сахалиндан кўрсатилади. 16.20 «Бизнинг мусиқий клубимиз». «Буратино таклиф этади». Усмирлар учун мусиқий кўрсатув. 17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 «Кизча ва масхарабоз». Мультфильм. 17.35 «... 16 йшгача ва ундан катталар». 18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.00 Фондаци суварат. «Грузия: август — сентябрь». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилликлар. 20.25 «Европа плюс...» ва плюс... ва плюс... Телевизион бадий фильм премьераси «Союзтелефильм» ҳамда «Театр» ижодий ишлаб чиқа-

риш фирмаси). 21.35 Япония телевиденисининг кўрсатувлари. «Япангоч қолганлар байрами». 22.20 Л. Штанько куйлайди. 23.00 Янгилликлар. 23.20 «Олтин Европа» фестивали. 23.50 Хоккей. Лига кубоги. «Динамо» (Москва) — МАСК. 2 ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий ўйингоҳнинг кичик спорт майдонидан кўрсатилади.

ДУБЛЬ IV

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври. 7.50 Сиёсий Олимпда. А. Собчак. 8.30 Рақс марафони. Бал рақслар танлови. Европа программаси. 9.15 «Кечки салон» — эрталабки эфирда. 10.45 «Дехқонларга тааллуқли масала». 11.05 В. Степанов куйлайди. Рус қўшиқлари ва романслари. 11.30 Теннис бўйича АҚШнинг очик чемпионати. 12.20 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 72-серия. 14.25 «Россия — Япония: ҳамкорлик йўллари». 14.55 «Пилигрим». 15.55 Янгилликлар. 16.10 Кичик мусиқий кечалар. «Вертинский хотирлаб». 16.40 Эълонлар. 16.45 «Келинг, аниқлаб олайлик».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 «Ёшлар». 18.15 «Ислоҳ маданият ёдгорликларидан». 19.00 Хабарлар. 19.20 Концерт. 20.10 «Катта опа». Видеофильм. 20.55 Манзарали фильм. 21.00 Хабарлар. 21.20 Спорт. 21.50 «Бизнинг қўлларимиз».

11 ЖУМА

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Хотира билан суҳбатлар». Телефильм. 8.00 «Оғарев кўчаси, 6-уй». Бадий фильм. 9.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишон». 18.00 Янгилликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Ором» чечаклари. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Замин соҳавати». 19.50 Ўзбекистон халқ ҳофизии Жўраҳон Султонов қўшиқлари. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Долзарб мавзу. 21.15 «Ойдин кечалар». Ёшлар учун дам олиш кўрсатуви. 22.15 «Армон». Бадий фильм.

УзТВ II

17.05 АШГАБАТ КўРСАТАДИ.

ОРБИТА IV

5.00 Янгилликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгилликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 9.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 9.50 «Алиса мўъжизалар мамлакатидан». Мультфильм. 10.20 «Бизнинг мусиқий клуби». 11.00 Янгилликлар. 11.20 «Будулайнинг қайтиши». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 4-серия. 12.25 «Оила». Қисқа метражли телевизион бадий фильм. 12.50 «Кўршапалак». Телевизион бадий фильм. 2-серия. 14.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Бридак». 14.50 «Бизнес-класс». 15.05 «Ён дафтар». 15.10 «Уолт Дисней таништиради...» 16.00 Болалар ва ўсмирлар учун телевизион кўрсатувлар III халқаро фестивалида. Жанубий Сахалиндан кўрсатилади. 16.20 «Марказ». 17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 «Максима». 17.55 «Исон ва қонуни». 18.25 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телевизион фильм премьераси. 9-серия. 18.50 «Мўъжизалар майдони». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилликлар. 20.25 «Детективлар клуби» да «Ҳеч қачон» «Ҳеч қачон» деб айтма». Америка бадий фильми. 22.45 «Оқ калака». «Сўзсиз воқеа». Катталар учун мультфильмлар. 23.00 Янгилликлар.

ВИД таништиради:

23.20 «Музобоз». 24.00 «Хордиқ чиқаринг».

ДУБЛЬ IV

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.00 Хабарлар. 7.20 Эълонлар. 7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 «Нота бене» студияси. 8.35 Уш ишнинг усталари. «Самойловнинг табассуми». 9.30 «М-трест». 9.45 «Россия учун мўътабар кунда...» Бордоини жангининг 180 йиллигига бағишланган кўрсатув. 10.40 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 73-серия. 11.30 Теннис бўйича АҚШнинг очик чемпионати. 12.20 Ишдан бўш пайтингизда.

«ТВ-ателье». 12.35 «Дехқонларга тааллуқли масала». 14.25 Телебизжа. 14.55 «Танафус». Валерий Агафонов куйлайди. 15.10 «Ухшаш дунёлар». 15.55 Янгилликлар. 16.10 «Жаноблар — ўртоқлар». 16.25 «Кичкинтой тили билан». 16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
17.20 Жума кунлари «Уолт Дисней санъати». 19.15 «Хар бир кун байрам».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

19.25 Концерт. 20.00 «Елғизлар». Видеофильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

21.00 Хабарлар. 21.20 Эълонлар. 21.25 «К-2» кинозали. «Интервенция». Бадий фильм. 23.10 «Аммо, лекин...» 23.40 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида. 00.10 Спорт хабарлари.

12 ШАНБА

УзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Париларнинг кузги совғаси». Бадий фильм. 9.20 М. Қориев ва номидидаги Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг яққохони Мурод Соҳибов концерти. 9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга — минг танга». 10.25 «Олам кўрки сиз билан». Публицистик кўрсатув. 11.25 «Ёшлик» баъзи. 11.55 «Учрашув». Адабий кўрсатув. 18.00 «Гаройиб саргузашт». Мультфильм. 18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Мулоҳаза». Адабий асарлар — экранда. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Зебо, Зиёда ўйнар». Фильм-концерт. 21.30 Телевизион миниатюралар театри. 22.30 «Тарадууд». XI халқаро «Тошкент кинофестивали олдидан».

УзТВ II

11.00 АШГАБАТ КўРСАТАДИ

ОРБИТА IV

5.45 Эрталабки гимнастика. 5.55 «Ишбилармон кишининг шанба тонги». 6.55 Янгилликлар. 7.30 «Спорт — имконият». 8.00 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 8.15 «Марафон-15» — кичкинтойларга. 8.40 «Бумеранг». 9.10 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви. 9.40 Тиббиёт сиз учун. 10.20 «Қойил» 11.20 «Останкино» концерт студиясида ёзувчи Э. Лимонов билан учрашув. 12.20 Экологик хроника. 12.35 Баскетбол. Европа чемпионлари кубоги. «МАСК» (Москва) — «Кормадор» (Голландия). 13.05 Япония телевиденисининг кўрсатувлари. «Одам бадани: янги ҳаётнинг туғилиши». 14.00 Янгилликлар. 14.20 «Сиз бунга қодирсиз». 15.00 «Иккинчи воқеа». Телефильм премьераси. 2-фильм — «Ороллар». 16.05 Болалар ва ўсмирлар учун телевизион кўрсатувлар III халқаро фестивалида. Жанубий Сахалиндан кўрсатилади. 16.25 «Сахий ўрмон». Мультфильм. 16.40 «Қизил квадрат». 17.20 «Ҳайвонот оламида». 18.00 «Енотлар». Кўп серияли мультфильм. 4-серия. 18.25 «Нобуд бўлган альпинист ёнидаги меҳмонхона». Бадий фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилликлар. 20.25 «Брайн-ринг». 21.25 «Бу ўтли рақс». 22.10 «Граф харобаларидаги монологар». Телефильм. 22.50 П. И. Чайковский. «Славянча марш». Россия миллий симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — М. Плетнев. 23.00 Янгилликлар. 23.20 Қўшиқчи Игорь Тальков хотирасига бағишланган кўрсатув.

ДУБЛЬ IV

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.00 Хабарлар. 7.20 «Мазбуда томон йўли». 8.00 Спорт «Жилетт» фирмаси нигоҳи билан. 8.30 «РЗ» кўрсатуви. 9.00 А. Битов ва М. Жванецкий — М. Зощенко ҳақида. 10.00—13.15 ЎЗБЕКISTОН ТЕЛЕВИДИЕНИСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ «Дустлик» видеоканали «Ҳамдустлик» кўрсатуви. «Бизнинг мирас» (татар тилида). «Коледоскопи». «Дўстлар даврасида».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

13.15 «Қандай яшаймиз?». 14.00 Кундузги сеанс. «Афсунгарларни ўғирлаш». Бадий фильм. 15.40 «Бурда моден» таклиф этади. 16.10 «Винил чангалзорларида».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

16.40 Концерт. 17.30 Хабарлар. 17.45 Концерт.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИ



ТОРИН



ИҒВОГАР ИНТЕРВЬЮСИ

Байрам кунни шаҳар бўйлаб йўлида учраган катти-кичик, эркага аёллар билан суҳбат ўтказиб юрган мухбир иғвогарга дуч келиб қолди. Мухбир тушмагур унинг иғвогарлигини қаердан билсин, микрофони унинг оғзига тўғрилаб:

- Узингизни таништирсангиз, — деди.
- Асаббузар Уйбузаров.
- Касбингиз.
- Одамлар устидан ёзиш.
- Халқимизга тилагингиз?
- Одамлар ва идораларнинг



бир-бирларини текиштиришга тегини кўриш менга насиб қилаверсин. Узим соғ, оилам тинч бўлсуну, дунёдан фарзанд кўрмай ўтай.

— Нега фақат ўзингиз ва оилангизнинг тинчлигини кўзлайсиз, яна фарзанд кўрмай, деб ёмон ният қиласиз?

— Бошқаларнинг тинч яшаётганини кўрсам нафасим сиқилиб, бўғилиб кетаман. Фарзанд масаласига келсак, иғвогарлик бўйича республикада ягона фарангман, ўз касбимни ирсият орқали ҳатто фарзандимга ҳам ўтишини истамайман.

ҚҮЛ КҮТАРДИМ

Анча вақтдан бери кўришмаган синфдош икки дугона кўчада учрашиб қолдилар. Хол-аҳвол сўрашгач, уларнинг бири:

— Болаларнинг адаси кейинги вақтда жуда кўп ичадиган бўлиб қолди. Ичиб келиб қумтошдек ухласалар ҳам майли эди, бўлар-бўлмас гап топиб жанжал-тўполон қиладилар. Ўтган кунни ҳатто менга қўл ҳам кўтардилар.

— Тушунман, сенга қийин бўлибди, дугонажон.

— Кеча мен ҳам боладим, у-кишининг кўзлари олдида қўл кўтардим.

— Наҳотки эрингни урган бўлсанг?

— Бе, уришинг нимаси, Машкурахоннинг қизини зиёфатида роса ўйнадим.



АЁЛ раҳбарлар бошқариш услуби ва ўзларини тутишлари билан эрка раҳбарлардан фарқ қиладиларми?

Америка тадқиқотчилари эркалар билан аёллар ўзларига бўйсунувчиларни тамомила қарама-қарши тарзда бошқарадилар, деган хулосага келишди. Куйида уларнинг айрим хулосаларини келтирамиз.

Эрка раҳбар кун бўйи бир дақиқа ҳам тиним билмай зўриқиб ишлашни афзал кўради, аёл эса ортиқча шонилмасдан, иш тартибда белгиланган пайтда дам олиб, иш жараёнида вужудга келадиган жиддий вазиятдан чиқиш йўлини топиш учун куч тўплаб олади.

Эркалар ўз иш кунларини узиқ-юзиқ ва ниҳоятда ташвишли пайт деб тасаввур қиладилар; уларнинг хузурига кирган одамларни бўлар-бўлмасга келиб вақт ўғирловчилар деб билади. Секретарь унинг учун жонга тегувчи ходимлардан ва уни кўриш иштиёқида бўлган бегона одамлардан ўзига хос қалқон вазифасини бажаради.

Аёл эса, аксинча, ўз секретарини раҳбар билан ташқи дунёни боғловчи муҳим бўғин деб билади; аёл раҳбар секретарь ёрдамида инсоний муносабатларнинг чигалини ечиш учун мумкин қадар кўпроқ алоқа боғлайди. Аёл киши шахсий мулоқотда бўлишни афзал кўрганлиги сабабли хизмат погонасидаги (ҳатто энг паст поғонадаги) ходимлар дилига йўл топишга ҳаракат қилади, бинобарин режалаштирилмаган учрашувларни ва дафъатан вужудга келадиган масалаларни барча режалаштирилган масалалар сингари ўз ишининг муҳим таркибий қисми деб ҳисоблайди.

АЁЛ РАҲБАРНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ғайратли, ишни қойилмақом қиладиган эрка раҳбарлар ўз хонадонларини узундан-узоқ иш кунда қилиб улгурмаган ишларини ниҳоясига етказиш имкони яратилмаган идора шўъбаси деб биладилар. Улар оилага ажратилган вақтнинг ҳам катта қисмини ишга бағишлайдилар; уларни ишдан бошқа нарса киниктирмайди, натижада маънавий якинлик етишмаслигини жиддий ҳис қиладилар.

Аёл раҳбарлар ҳам кўплаб соат ишлайдилар, лекин улар учун энг муҳими — шахснинг уйғун камол топишидир. Улар оила учун ажратилган вақтни дахлсиз деб ҳисоблайдилар ва шу боисдан ўзларига бўйсунувчи бегона одамларнинг манфаатларига хайрихоҳлик билан қарайдилар.

Эркалар ахборот манбаларига яқин бўлишни ҳокимиятнинг асосий манбаи деб ҳисоблайдилар ва мумкин қадар кўпроқ ахборот тўплашни асосий вазифаларидан бири деб биладилар. Улар ахборот тарқатувчиларга қараганда кўпроқ ахборот тўловчи бўлиб қоладилар. Ахборот айирбошладан бош тортиш — ташкилий чигалликлар сабабидир. Вазифаларнинг бир қисмини ёрдамчиларга тақсимлаб бериш истагининг йўқлиги эса ортиқча зўриқиб ишлашга олиб келади.

Аёл эса, аксинча, ўзини «ахборот етказгич» деб билади, у ҳамма ёқдан йиғилган ахборотни керакли жойга етказиб туради. Раҳбар аёл ўзини рўй бераётган воқеалар марказида кўришга мойил бўлади, эрка раҳбар эса ҳаммадан юқори туришга интилади.

«Ғарбнинг саноат пудратчилари» компаниясининг президенти Барбара Граган бундай деган эди: «Агар обаки (конфет)ни кимга — тўрт яшар болаларгами ёки олти яшар болаларгами беришга ақлингиз етса, ҳар қандай шартномани тузаверишингиз мумкин». Сиз қандай фикрдасиз?

ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИДАН.

ФАҲМИМ ЕТМАЙДИ

Чойхонада чойхўрлик қилиб ўтирган икки кишининг бири иккинчисига:

— Хотин-қизларнинг қилган ишига ҳеч тушуниб бўлмайди, — деди.

— Нима деярсиз, биродар, мен баъзан хотинимнинг сўзларига ҳам тушунмай қоламан.

— Ўзбекча гапирса ҳам-а?

— Ҳа-де, тунов кунни, адаси, магазинга норкали бельгия пальтоси келибди, деди, кейин яна бир нарсаларни гапирди, нима гаплигига ҳозир ҳам фаҳмим етмайпти.



ТРАМВАЙНИ СУРАДИНГ

Курсни яқинда тамомлаган ҳайдовчи машинани чап томонга бурар экан ёнида ўтирган ҳамроҳидан сўради:

— Трамвай кўринмайдими?

— Кўринмайди. Машина тўрт-беш метрлар чамаси юргач унинг ўнг қаноти шу вақт етиб келган троллейбусга қарсиллаб урилди. Жони халқумизга келган ҳайдовчи ҳамроҳига ўшқирди:

— Нега троллейбус келаётганини айтмайдими?

— Сен мендан трамвайни сўрадинг-ку.



УЙЛАНМАЙМАН

Оғир хасталик билан ётган бемор аёл хузурига эрини чақириб деди:

— Адаси, сиз билан ўттиз йил бирга умр кечирдик, тўртта фарзандимиз бор. Айрим вақтда ҳуда-беҳуда нарсаларни баҳона қилиб сизга озор етказдим, вақти келса сабабсиз дилингизни оғритдим. Кўриб турибсиз, аҳволим оғир, мен ўлгандан кейин бу уйга бегона аёлнинг келишини истамайман, кўзим очиклигида бошқа аёлга уйланмасликка сўз беринг.

— Тинч ва хотиржам бўлавер, хотинжон, сендан кейин қарнай-сурнай чалдириб, катта тўй қилиб уйланмасликка сўз бераман, — деди эр.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.



Бош муҳаррир

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АКБАРОВ, Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Жасур НОСИРОВ, Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Мухайё ТУЛҒАНОВА, Шабот ХУЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсун КҮШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.



- Бош муҳаррир қабул-хонаси — 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини — 56-52-89
- Масъул котиб — 56-52-78
- Котибият — 56-87-59

БУЛИМЛАР

● Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт ва вилоятлараро мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79

● Хатлар, оммавий ишлар, тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-78; 56-87-73.

● Маънавият, маданият ва табиат — 56-87-63.

● Бездатиш ва сураткашлик — 56-87-74.

● Ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик — 56-55-85.

ВИЛОЯТЛАРАРО МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24;
- Гулистонда — 2-10-02;
- Жиззахда — 2-39-54;
- Наманганда — 6-22-10;
- Нукусда — 4-19-97;
- Самарқандда — 35-63-64;
- Термизда — 2-70-07;
- Тошкентда — 56-87-59;
- Урганчда — 6-87-82;
- Фарғонада — 4-47-73;
- Қаршида — 5-33-71.

● Мухарририятга келган кўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь кунини Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.



СОТУВДАГИ НАРХИ 2 СЎМ

- ДУШАНБА кунлари чиқади.
- Босишга 4 сентябрь топширилди.
- Навбатчи масъуллар: Акмал АКРОМОВ, Алишер ҲАКИМОВ.
- ҚўНИМГОҲИМИЗ: 700165, Тошкент шаҳри, «Принда Востока» кўчаси, 24-уй.
- Буюртма 386
- 110000 нусхада босилди
- Ўзбекистон Республикаси «Шарк» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

НУРОН-ЛТД

IBM PC AT 287/287, (USA), HYUNDAI — (буюртмалар қабул қилинади)
«GOLD STAR» видеоплеери, телевизор Ø 51 (Хитой) — шартнома нархида
Хоҳлаган оргтехника учун буюртма қабул қилинади.

КОМПЬЮТЕРДАГИ БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБ-КИТОБИ

ҚУЙИДАГИ ДАСТУРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ:

БОШЛОВЧИ ҲАМДА ТАЖРИБАЛИ ХОДИМЛАР УЧУН

— иш ҳақининг тўла ҳисоб-китоби (ўзгариб турадиган солиқ шкаласига ва ҳисоб-китобнинг маҳаллий хусусиятларига мослаштириш осон)

— молиячи ходим иш жойи (ҳисоб варақалари бўйича пулларни тақсимлаш ва корхона балансини тузиш)

— моддий бойликларни ҳисобга олиш

ЭНГ АРЗОН БАҲОЛАРДАТИ!

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, 700077, Буюк ипак йўли (Собиқ Пуначарский) кўчаси, 63-уй, 202а хона.

қуйидагиларни таклиф қилади:

Бизнинг телефонларимиз:
67-85-87
67-22-08
67-77-06
Факс 67-24-50

— 4,9 минг сўм
— 10 минг сўм

кичик корхоналар учун — 5 минг сўм
ўртача ва йирик корхоналар учун — 15 минг сўм.